

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ИҚТИСОДИЁТИ ВА
МАМЛАКАТШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ
“МДХ, Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаси иқтисодиёти ва
мамлакатшунослиги” кафедраси

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИДА ХАЛҚАРО
ТУРИЗМ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЗАМОНАВИЙ
ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бажарди: Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик (Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаси мамлакатлари) таълим йўналиши битирувчи курс талабаси Газиёва Сулхия Саидмашрафовна _____

Илмий раҳбар: “МДХ, Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаси _____ иқтисодиёти _____ ва мамлакатшунослиги” кафедраси ўқитувчиси Якубов Ш. _____

Илмий маслаҳатчи: “МДХ, Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаси иқтисодиёти ва мамлакатшунослиги” кафедраси мудири и.ф.н., доц. Эрмаматов Ш.Ж. _____

Тошкент – 2013

Битирув малакавий иши ҳимояга тавсия этилди

Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва мамлакатшунослик факультети декани, и.ф.н., доц. Ҳусанов Ч.

_____ 2013 йил
“ _____ ” _____

“МДХ, Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаси иқтисодиёти ва мамлакатшунослиги” кафедраси мудири, и.ф.н., доц. Эрмаматов Ш.Ж.

_____ 2013 йил
“ _____ ” _____

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4-8
1-БОБ. ХАЛҚАРО ТУРИЗМ РИВОЖЛАНИШИНING ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ.	9-32
1.1. Халқаро туризм ва уни тадқиқ этишнинг назарий масалалари	9-18
1.2. Халқаро туризм ривожланишининг хориж тажрибаси.	19-32
2-БОБ. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИДА ХАЛҚАРО ТУРИЗМ РИВОЖЛАНИШИНING АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.	33-65
2.1. БААда халқаро туристлар ва туристик даромадлар оқими динамикаси ва унга таъсир этувчи омиллар.	33-46
2.2. БААда халқаро туризм бозори сегментлари.	46-55
2.3. Туризм ривожланиши бўйича БАА тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари.	56-65
ХУЛОСА	65-70
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	69-76

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Сўнги йилларда туризм жаҳон иқтисодиётининг юқори суръатларда ривожланаётган сектори ва йирик экспорт саноатига айланиб бормоқда. Туризмнинг миллий иқтисодиёт ривожланишида тутган ўрни нафақат унинг юқори даромад келтириши, балки меҳнатталаб саноат иш ўринларини яратиш орқали бандлик муаммосини ҳал этишга ижобий таъсир кўрсатиши, табиий ва маданий муҳитни асраши орқали барқарор ривожланишни таъминлашда асосий роль ўйнаши ҳамда халқлар ва миллатлараро тотувликни таъминлашга сезиларли ҳисса қўшиши билан ҳам белгиланади.

Туризмнинг миллий иқтисодиёт учун аҳамиятини оширувчи яна бир жиҳат шундан иборатки, у йирик миқдорда молиявий ресурсларни жалб этади, мазкур ресурсларнинг айланиш тезлигини оширади, инвестиция фаоллигини яхшилайти, шунингдек, транспорт, савдо, саноат каби иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ривожланишига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади.

Жаҳонда ва жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида туризмнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишда тутган роли ўсиб бораётган бир пайтда Ўзбекистон ва мамлакатимиз минтақаларида туризм ривожланишининг ҳозирги ҳолати қатор зиддиятлар билан тавсифланади. Бир томондан, Ўзбекистон бой табиий-географик ва тарихий-маданий ресурсларга эга, мамлакатда кўп укладли туристик-рекреацион тармоқ шаклланган ва фаолият кўрсатаёпти, туристик корхоналар сони ўсиб бораяпти, иккинчи томондан, туристик ресурслар мамлакат минтақалари бўйлаб текис тақсимланмаган, улардан фойдаланиш даражаси анча паст ва туризм соҳасининг жами хизматлардаги улуши атиги 0,2 фоизни, ялпи ички маҳсулотдаги улуши 0,01 фоизни ташкил этади, холос¹.

¹ Статистическое обозрение Узбекистана 2010. Т.: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. 2011. – с.35

Шу нуқтаи назардан туризм ривожланиши соҳасида юксак муваффақиятларга эришган мамлакатлар, шу жумладан, БААда туризм соҳаси ривожланишини ўрганиш ва умумлаштириш асосида Ўзбекистонда халқаро туризм ривожланишининг асосий йўналишларини асослаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Туризм ривожланишининг назарий-услубий асослари, жаҳон туризм бозори ва ундаги таркибий ўзгаришлар, туризм соҳасининг миллий иқтисодиёт ривожланишида тутган ўрни ва роли, халқаро ва миллий туризм ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, туризм соҳасини давлат томонидан тартибга солиш масалалари кўплаб хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи-олимлари тадқиқотларида батафсил ўрганилган.

Туризм ривожланишига оид тадқиқотларни шартли равишда бир нечта йўналишларга ажратиш мумкин.

Туризм географияси, жаҳон минтақалари ва мамлакатларининг табиий-географик, туристик-рекреацион салоҳияти ва имкониятлари Азимов А., Александрова А.Ю., Воскресенский В.Ю., Косолапов А.Б., Севастьянов Д.В., Сенин В.С., Ушаков Д.С., Щербакова С.А. ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

Туризм иқтисодиёти, туризм ривожланишининг иқтисодий қонуниятлари, мазкур соҳада инвестиция сиёсати, нарх шаклланиши, туризм бозори конъюнктураси каби масалалар Балабанов И.Т., Биржаков М.Б., Боголюбов В.С., Бурменко Т.Д., Быстров С.А., Веткин В.А., Драчева Е.Л., Жукова М.А., Замедлина Е.А., Здоров А.Б., Каурова А.Д., Кусков А.С., Морозов М.А., Соколова М.В. ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида кенг ёритиб берилган.

Драчева Е.Л., Квартальнов В.А., Храбовченко В.В., Христов Т.Т. ва бошқаларнинг илмий ишлари халқаро туризмнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг назарий жиҳатлари, миллий иқтисодиётда тутган ўрни ва роли,

туристик оқимлар ривожланишига таъсир этувчи омиллар каби масалаларга бағишланган.

Туризм соҳаси ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, халқаро туризмнинг миллий хўжаликлар ривожланишига таъсири, туризмда маркетинг концепциясини қўллаш каби масалалар бўйича хорижлик иқтисодчи-олимлар, жумладан, Котлер Ф., Боуэн Дж., Кастер В., Мейкенз Дж., Фостер Д. ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Ўзбекистонда туризм соҳаси ривожланишининг асосий йўналишлари, унинг назарий-услубий жиҳатлари, миллий туристик маҳсулот шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, туризмни ривожлантиришда маркетингнинг роли, туризм соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми ва уни такомиллаштириш масалалари ўзбекистонлик иқтисодчи-олимлар – Камилова Ф., Норчаев А., Саидов А., Тошмурадов Т., Тўраев Б., Тўхлиев Н., Файзибоева Н., Ҳамидов О. ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Юқорида номлари келтирилган иқтисодчи-олимларнинг мазкур соҳани ўрганишга қўшган ҳиссаларини эътироф этган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, БААда туризм ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари мамлакатимиз иқтисодий адабиётида етарли даражада ўрганилмаган. Бу эса ушбу тадқиқот иши мавзусининг танланишига асос бўлди.

Битирув малакавий иш мавзусининг мақсади глобаллашув шароитида БАА халқаро туризм ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва ушбу соҳада БАА тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий иш мавзусининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- халқаро туризм назарияси бўйича турли иқтисодий қарашларни ўрганиш ва уларни баҳолаш асосида халқаро туризм моҳиятини ёритиб бериш ва унинг объектига қараб таснифлаш;

- бутунжаҳон туризм ташкилотининг маълумотларига асосланган ҳолда жаҳон мамлакатларидаги халқаро туризм ривожланиши тенденцияларини таҳлил қилиш;
- халқаро туризм соҳасида етакчи мамлакатлар тажрибасини ўрганиш;
- БААда халқаро туризм ривожланиши динамикаси ва унга таъсир этувчи омиллар ва шарт-шароитларни аниқлаш;
- БААнинг барча амирликларида мавжуд туристик ресурсларнинг соҳа ривожланишидаги аҳамиятини баҳолаш;
- БААга ташриф буюрувчи халқаро туристларни сегментлаш асосида ўрганиш;
- БАА туризм индустриясининг асосий йўналиш ва истиқболларини асослаб бериш;
- БААнинг туризм соҳасидаги халқаро тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятларини таҳлил қилиш.

Битирув малакавий ишнинг объекти – Бирлашган Араб Амирликларида халқаро туризм ривожланиши жараёнлари ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг предмети – туризм соҳасини ривожлантириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлардан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги шундан иборатки, унда БААда халқаро туризм ривожланишининг бугунги ҳолатини чуқур таҳлил этиш асосида Ўзбекистонда Амирликлар тажрибасидан фойдаланиш имкониятларига база берилган.

Битирув малакавий ишининг ахборот базаси. БАА туризм индустриясининг ривожланиши хусусиятларини таҳлил қилишда асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, Ўзбекистон Республикаси “Туризм ҳақида”ги қонун, маҳаллий ва хориж адабиётлар, Бутунжаҳон туризм ташкилотининг мақолалари, БАА туризм ва тижорат маркетинг Бошқармаси маълумотлари, интернет тизимидаги мавжуд

ахборотлар, “Ўзбектуризм” миллий компанияси маълумотларидан ҳамда турли статистик манбалардан фойдаланилган.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Ушбу битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ундаги илмий асосланган таклифлардан “Ўрганилаётган минтақа (араб мамлакатлари) иқтисодиёти”, “Туризм иқтисодиёти” фанларидан маъруза матнлари, ўқув услубий мажмуалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишнинг таркибий тузилиши. Бакалавр иши кириш, иккита боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, битирув малакавий иш мавзусининг ўрганилганлик даражаси, ишнинг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги ҳамда амалий аҳамияти ўз аксини топган.

Ишнинг биринчи боби “Халқаро туризм ривожланишининг илмий-назарий жиҳатлари” дея номланган бўлиб, унда туризмнинг ривожланиш назариялари, ички ва халқаро туризм тушунчалари, туризм таснифи, халқаро туризм ривожланишида муҳим ўрин эгаллаган мамлакатлар тажрибаси батафсил ёритилган.

Ишнинг иккинчи боби бевосита “Глобаллашув шароитида Бирлашган Араб Амирликларида халқаро туризм ривожланишининг асосий йўналишлари ва истиқболлари” деб номланиб, ушбу бобда БААнинг халқаро туристик оқимлари, туристик ресурслари, БАА халқаро туризм бозори сегментлари, ривожланиш истиқболлари ва БАА халқаро туризм тажрибасини Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари чуқур таҳлил этилган.

Ишнинг хулоса қисмида битирув малакавий ишининг асосий натижалари, амалий тавсия ва таклифлар умумлаштирилган.

1-БОБ. ХАЛҚАРО ТУРИЗМ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИЛМИЙ- НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ

1.1. Халқаро туризм ва уни тадқиқ этишнинг назарий масалалари

XIX асрга келиб илм-фан ва техника ривожланиши, оламшумул ихтиролар инсонларни олам ва унинг тузилиши ҳақидаги фикрларини тубдан ўзгартириб юборди. Янги техника ва технологик воситаларнинг кашф этилиши ва уларнинг илмий нуқтаи назардан исботланиши билан бир қаторда хизмат кўрсатиш соҳаларининг энг муҳим тармоқларидан бири бўлмиш туризм миллий иқтисодиётда стратегик аҳамиятга эга бўлган соҳалардан бирига айланди.

Туризм ривожланишининг замонавий босқичларининг ўзига хос хусусиятларини изоҳлаш мақсадида соҳа тарихининг умумий илмий-назарий жиҳатларини кўриб чиқиш жоиз. Халқаро туризм бир томондан иккинчи жаҳон урушидан сўнг ривожланганлиги сабабли ёш соҳа ҳисобланса, иккинчи томондан у чуқур тарихий илдизларга ҳам эга, зеро саёҳат қилиш инсоният учун қадим замонлардан бери хосдир.

Туризмга турли даврларда турлича ёндашилган. Бу борада бир қатор тушунчалар келтиришни мақсадга мувофиқ деб биламиз. “Туризм” сўзининг негизи ҳисобланган “Tour” лотинча “Tornare” сўзидан келиб чиққан бўлиб, доиравий шакл маъносини англатади. Бу сўз ўз маъносини ўзгартирмасдан бошқа ғарб тилларига ҳам кириб келган. Масалан, французчада “айланиш” маъносига тўғри келувчи “tourner” ва “tour” сўзлари ҳозирги кунда ҳам ишлатилмоқда. Инглизчада эса туризм сўзи турист сўзидан олиниб, 1811 йилларда юзага келган. Немисчада эса фақатгина “auslander” (ажнабий ёки хорижий) сўзи ишлатилар эди. 1958 йилда немис тилида алоҳида эътиборга олиниб туризмнинг эквиваленти бўлмиш “fremdenverkehr” ёки “tourismus”,

турист сўзининг эквиваленти эса “*turist*” тарзида қўлланила бошланди»².

Халқаро Вебстер луғатида тур(*tour*)нинг маъноси қуйидагича ифодаланган: «Иш, завқ олиш ўқиш учун қилинадиган саёҳат ва бу саёҳатлар мобайнида турли хил жойларни зиёрат қилишдан ва режалаштирилган саёҳат дастуридан юзага келадиган жараён тур деб аталади»³. Турист маълум муддатдан сўнг ўз юртига қайтади.

Тадқиқот ва таҳлил қилишда, статистик маълумотларни тўплашда, қонуний ва маъмурий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда, шунингдек, улар билан ишлашда, туризмнинг иқтисодий-ижтимоий механизмини белгилашда туризм сўзини аниқ таърифлаш мақсадга мувофиқдир. Чунки туризмга тегишли бўлган маълумотларнинг нотўғри берилиши туфайли, юқорида санаб ўтилган иш жараёнларида муаммоли вазият вужудга келиши мумкин. Шунинг учун туризм сўзини аниқ таърифлашга ҳаракат қилинган.

Австрияда ҳам туризмга нисбатан биринчи илмий қарашлар Грац шаҳрида 1884 йил 13-14 мартда бўлиб ўтган «*Delegiertentages Zur Forderung des Fremdenverkehrs in den Osterreichischen Alpen Landern*» мажлисида тилга олинган. Бу мажлисга раислик қилган ёзувчи Жозеп Стаднер “туризм – бу иқтисодий фаолият”⁴, деган эди. Унга кўра, туризм- бу бошқа бир ўлкадан, шаҳар ва ҳудуддан ажнабийларнинг келиши ва вақтинча истиқомат қилишлари натижасида юзага келадиган ҳаракатларнинг барчаси⁵.

1930 йиллардан кейин Англиядаги иқтисодчи олимлар туризмнинг иқтисодий томонларига чуқурроқ ёндашишган. Норвал ва Огилвиелар туристлар томонидан қилинадиган ҳаракатларни савдо балансига таъсири устида тадқиқотлар олиб боришган.

Булардан ташқари, туризмни айрим соҳаларга мансуб олимлар ҳам таърифлаганлар. Булардан энг машҳурлари Матхиот, Глуксманн ва

² Walter Hunziker, *Le Tourisme*, Editions Gurten, Berne. 1972, p.1.

³ Alister Marhieson and Geoferry Wall., *Tourism: Economic, Phisial and Social Impacts*. Longman Group Ltd. New York, 1986, p.10.

⁴ Djozeph Stadner. *Tunca Toskay, Turizm Olayina Genel Yaklasim*, 3- Basim, Der Yayinlari; №26, Istanbul, 1989, s.20.

⁵ Herman von Schuller. *Tunca Toskay, Turizm Olayina Genel Yaklasim*, 3- Basim, Der Yayinlari; №26, Istanbul, 1989, s.20.

Крапфлардир. Бу олимларнинг таърифларига кўра, истеъмом функциясига вақтинча истиқомат қилиш, саёҳат ва тунаш жойлари ҳам киради. Олимларнинг ичида туризмни соддагина тарзда ифодалаб, бу соҳанинг илмий пойдеворига айланган таърифлар ҳам йўқ эмас. Туризм - ажнабийларнинг бир жойга қилган саёҳатларидан таркиб топган ва давомли истиқомат қилиш, пул ишлашни мақсад қилмасдан, вақтинча тунаб қолишларидан юзага келадиган муносабатлар мажмуи⁶. Аммо, бу таъриф ҳам унчалик тўлиқ эмаслигини айтиб ўтиш ўринлидир.

1954 йилда Италиянинг Палермо шаҳрида бўлиб ўтган AIAEFT конгрессида мазкур олимлар туризмга шундай таъриф беришган эди:

Туризм - ажнабийларнинг саёҳати ва бир жойда вақтинча истиқомат қилишларидан юзага келадиган воқеа ва ҳодисалар мажмуи. Бу жараёнда бутунлай истиқомат қилишга ва даромад олишни мақсад қилишга руҳсат этилмайди⁷.

1976 йилда Британия Институти (ҳозирги туризм ташкилоти) бу тушунчага қуйидагича ойдинлик киритган. Туризм - инсонларнинг кундалик истиқомат қиладиган ва ишлайдиган жойларидан ташқари, чиройли ва кўркем туризм марказларини зиёрат қилишлари ва у ердаги фаолиятни ҳам ўз ичига олган қисқа муддатли ҳаракат. Айни вақтда ҳар хил бир кунлик маршрутли экскурсияларни ҳам ўз ичига олади⁸.

Ўзбекистон Республикаси «Туризм ҳақидаги» қонунда туризмга қуйидагича таъриф бериб ўтилган: Туризм бу - жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоғи билан бир йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши).

Юқорида келтирилган олимларнинг илмий қарашларини, «Туризм ҳақидаги» қонунни кўриб чиқиб, туризмни қуйидагича таърифлашимиз

⁶ Walter Hunziker, Un Siecle de Tourisme en Suisse, Berne, 1947, p.11.

⁷ J.Christopher Holloway., The Business of Tourism, Third edition, Pitmen Publishing Ltd, London, 1989, p.9.

⁸ J.Christopher Holloway., The Business of Tourism, Third edition, Pitmen Publishing Ltd, London, 1989, p.9-10.

мумкин:

Туризм - кишиларнинг бўш вақтларида ўз доимий турар жойларидан бошқа мамлакатга даромад олишни кўзламаган ҳолда дам олиш, соғлиқни тиклаш, меҳмондорчилик, билим олиш ёки касбий маҳоратни ошириш мақсадларида саёҳат қилиш тушунилади.

Туризм, давомли яшайдиган, ишлайдиган ва муҳим эҳтиёжларни кондирадиган жойлардан ташқарига қилинадиган саёҳатдир. Тунаш вақтинчалик зарурий бир эҳтиёждир. Саёҳатга чиққан ва тунаб қолган киши, маълум бир вақтдан сўнг ўзи яшайдиган жойга қайтади.

Саёҳатга чиққан ва вақтинча тунайдиган кишилар асосан туризм корхоналари томонидан таклиф қилинадиган маҳсулот ва хизматларни талаб қилишади. Бу фаолиятлари мобайнида турли хил воқеа ҳодисалар ва муносабатлар юзага келади.

Табиий ресурсларнинг муҳимлиги капиталнинг муҳимлик даражасидан қолишмайди, чунки туризмнинг ривожланиши инфратузилманинг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, у инвестициялар талаб қилади. Ишчи кучи ҳам муҳим омилдир. Ички талаб халқаро туризмга шароит яратиб берганлиги сабабли туризм ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Бундай талаб ёрдамида қўшимча маҳсулотлар, иш жойлари барпо этилади, табиий ва маданий бойликлар ривожланади. Ички талаб киши бошига тўғри келадиган ЯИМ, яшаш жойларидаги ўринлар сони каби кўрсаткичларни кўллаш ёрдамида аниқланади.

Ҳозирги кунда истеъмолчилар ҳамма соҳалар бўйича товар ва хизматларни танлаш имкониятига эгадирлар. Бунинг таъсирини туризм соҳасида ҳам кўриш мумкин. Чунки истеъмолчиларнинг талаби доимо ўзгариб туради; улар янги таассуротларни қидиришади, мода ва кундалик ҳаётининг ўзгариши эса уларнинг фикрларини осонгина ўзгартиради, шу боис истеъмолчи қизиқишларини, нимани афзал кўришларини ва уларнинг муносабатларини билиш ниҳоятда мураккаб жараён ҳисобланади.

Туристлик маҳсулотларни истеъмол қилишнинг қийинлашиши туризм

тижоратига ўз таъсирини кўрсатади. Чунки туризм талабида янги сегментлар пайдо бўла бошлади, шу жумладан, туризмнинг ҳам янги кўриниши ва шакллари таркиб топди.

Юқори даражадаги туристик хизматларга талаб суръатининг пасайиши кузатилди. Масалан, Германияда 1960-1980 йиллар орасида туристик йўналишлар сони 1,9 марта кўпайди, агар 1960 йилда туристик саёхатларда аҳолининг 27% иштирок этган бўлса, 1980 йилда бу кўрсаткич 57,7%, 1987 йилда 64,6%ни ташкил этди. Буни қуйидагича изоҳлаш жоиз, туризмда нафақат бойлар, балки аҳолининг умумий қисми ҳам иштирок эта бошлади. 1980 йилларга келиб ўсиш суръати пасайди, бироқ ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори даражадалиги билан мувозанат сақлаб қолинди.

Талабнинг тартибга солиниши бир томондан, туризм тижоратини ишончилигига кафолат бўлса, иккинчи томондан, фирмалар учун хизматлар бозорида ўз «улуши»ни топиши қийинлашиб борди.


Жаҳон туризм индустриясидаги ихтисослашув ва диверсификация талабларининг чуқурлашиб бориши, кичик ва ўрта туристик фирмаларни бир мунча қийин аҳволга солиб қўйди. Рақобатнинг ташкилий туризм бозорида кучайишини туроператорлар сонини ўсиб бориши, чет эл рақобатчи фирмаларнинг бозорга чиқиши, туристик хизматлар кўринишидаги маҳсулотларни таклиф қилувчи бошқа субъектларнинг кўпайиши (масалан, Фарбий давлатларда авиакомпанияларнинг туризм бозорига туроператор сифатида кириб келиши) билан изоҳлаш мумкин.⁹

Халқаро туризмдан келиб тушадиган даромадлар миқдори 2011 йилда халқаро йўловчи транспорти билан бирга 1.2 трлн. АҚШ долларини ёки умумий товар ва хизматлар халқаро экспортининг 6% ини ташкил қилди¹⁰.

Сўнгги йилларда, ички ва халқаро туризмни бир-бирига яқинлаштириш тенденцияси кузатилди, бу эса туристик расмийликларни соддалаштириш билан асосланган (масалан, бирлашган Европадаги Шенген битими).

⁹ А.А. Аллаберганов Туризм индустрияси. – Т.: 2004 й.

¹⁰ Бугун жаҳон туризм ташкилоти.



1.1-расм Туризмнинг таснифланиши

Манба: Муаллиф томонидан тузилди

Юқорида кўрсатилгандек, туризм географик принципга кўра ички ва халқаро туризм шаклида таснифланади.

Ички туризм - ўз давлати чегараси доирасида доимий яшовчи

фуқароларнинг вақтинчалик ташриф буюрувчи жойда (тўланмайдиган фаолият) туристик мақсадларда саёхат қилишига айтилади.

Ички туризм давлат чегараларини кесиб ўтиш билан ва туристик расмиятчилик билан боғлиқ эмас. Миллий валюта, тил, ҳужжатлар олдингидек ўзгармасдан қолади. Дунёдаги сафарларнинг 80-90 фоизи ички туризм улушига тўғри келади. Унга кетаётган харажатлар халқаро туризм харажатларидан 5-10 баробар ортиқдир. Айниқса у АҚШда оммабоп ҳисобланади.

1968 йилда Римда саёхатлар ва туризм бўйича БМТнинг биринчи конференциясида халқаро туризмга қўйидаги таъриф берилди.

Халқаро туризм – вақтинчалик келган жойида фаолияти тўланмайдиган, доимий яшайдиган мамлакат чегарасидан ташқарига туристик мақсадларда сафар қилиш тушунилади.

Халқаро туризмнинг ривожланиш масалаларига бағишланган асосий ҳужжатларда туризм, кўпгина мамлакатларнинг миллий иқтисодиётида энг муҳим тараққиёт кўрсаткичи эканлиги, унинг хўжалик фаолиятидаги, халқаро алоқалар ва ташқи савдо баланси мувозанатини таъминлашдаги ўрни эса, бу тармоқни жаҳон иқтисодиётининг асосий соҳаларидан бирига айлантириш мумкинлиги тўғрисида қайд этиб ўтилган.

Халқаро турист – бу вақтинчалик ташриф буюрувчи, яъни исталган шахс, ташриф буюраётган давлатида малакавий фаолияти тўланмайдиган исталган мақсадларда доимий яшаётган давлатидан ташқарига бошқа давлатга ташриф буюриши.

Халқаро туристларга мазкур давлатга 24 соат муддатдан кам бўлмаган муддатга вақтинчалик ташриф буюрган шахсларнинг барчаси киради. Шунини қайд қилиш керакки, баъзи давлатларда БМТ статистика комиссиясининг тавсияларидан четланишга рухсат берилади. Масалан, баъзи давлатларда 3 кун муддатдан кам бўлмаган муддатга ташриф буюрганлар халқаро туристлар ҳисобланса, баъзиларида 2 ҳафта, учинчиларида эса бу муддат 1

ойдан кам бўлмаган муддатда ташриф буюрганлар халқаро туристлар ҳисобланади.

Барча халқаро туристик саёҳатларнинг ўртача 52 фоизи Европага, тахминан 16 фоизи Америкага ва тахминан 32 фоизи қолган минтақаларга тўғри келади.

Туристларни нисбатан кўпроқ қабул қилувчи давлатларда халқаро туризмни ривожлантириш - чет эл валютаси оқимини кўпайтириш ва янги иш ўринларини ташкил этиш билан изоҳланади. Кўпгина давлатлар халқаро туризм воситаси орқали тўлов баланси муаммоларини ҳал қилишга уринадилар.

Ташриф буюрувчи халқаро туристлар товар ва хизматларни тўлай туриб, қабул қилаётган давлат бюджетига валюта тушумини таъминлайди. Шу билан бирга унинг тўлов балансини фаоллаштиради. Шу сабабли халқаро туристларнинг келиши «актив туризм» номини олди.

Туристларнинг чиқиб кетиши эса миллий валютанинг оқиб кетиши билан боғлиқ бўлади. Бундай турдаги туристик операциялар халқаро тўловларда мамлакат туристлар экспорти тўлов балансининг пассивида қайд қилинади, туризмни ўзи эса “пассив” деб номланади.

Айтиб ўтиш жоизки, халқаро туризмнинг илмий-назарий масалаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, жаҳонда халқаро туризмнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида халқаро туризмнинг мамлакатлар иқтисодиётига таъсирининг ортиб бориши билан изоҳланмоқда. Мамлакат иқтисодиётида халқаро туризмнинг қатор муҳим вазифаларини санаб ўтиш йўли билан ушбу таъсирни яққол кўришимиз мумкин.

- Халқаро туризм - мамлакат учун валюта тушумларининг ва бандликни таъминлашнинг бир манбаи ҳисобланади.

- Халқаро туризм - тўлов баланси ва мамлакат ЯИМига йўналтирилган капитал қўйилмаларни кенгайтиради.

- Халқаро туризм - туризм соҳасига хизмат кўрсатувчи тармоқларни яратган ҳолда иқтисодиётни диверсификация қилишга ўз ҳиссасини қўшади.

- Туризм соҳасидаги бандликнинг ўсиши билан аҳолининг ҳам даромадлари ўсади ва шу билан бирга миллатнинг фаровонлик даражаси ҳам ошади.

Ҳозирги кунга келиб туризм соҳасида эришилган ютуқлар унинг алоҳида бир индустрияга айланишига олиб келди. БТТ (Бутун жаҳон туризм ташкилоти) маълумотларга қараганда, 2012 йил январь ойидан августга қадар жаҳон туристик ташрифлар 2011 йилга нисбатан 4% га ошди.

2012 йил январь ойидан август ойига қадар халқаро туристлар сони 2011 йилнинг ушбу саккиз ойлигига нисбатан 4% га ўсди (яна 28 миллионга). Август ойида рекорд кўрсаткич бўлмиш 705 млн туристни инобатга олган ҳолда БТТ ушбу йилнинг охирига қадар халқаро туристлар сони бир миллиардга етишига ишончи қомил.

Туризм индустриясида вужудга келган бу вазиятни БТТнинг бош қотиби Талейб Рифаи “Ушбу ўсиш глобал иқтисодий ҳолат шароитида ниҳоятда ижобий натижадир. Лекин, биз эҳтиёткорлик билан иш тутмоғимиз даркор. Чунки йил мобайнида баъзи ойларда кўрсаткичлар анчайин суст эди ва бу тенденция йилнинг қолган қисмида ҳам такрорланиши мумкин”,- деб таъкидлади¹¹.

1.2. Халқаро туризм ривожланишининг хориж тажрибаси

«Дунё миқёсида ижтимоий-иқтисодий глобаллашиш жараёни кучайиб бораётган ҳозирги кунда халқаро туризм соҳаси кўпгина мамлакатлар учун миллий даромад топишнинг энг самарали йўлларида бирига айланиб бормоқда»¹². Бутун жаҳон Туризм Ташкилоти маълумотларига қараганда, дунё аҳолисининг 14%и халқаро миқёсда саёҳат қилишади. 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 25%ни ташкил этиши кутилмоқда (БТТ: Мадрид 2012). Халқаро

¹¹ Бутун жаҳон туризм ташкилоти. Международный туризм сохраняет сильные позиции несмотря на неопределенность в экономике. Мадрид, 05 Ноября 2012

¹² Аллаберганов А. Халқаро сайёҳлик соҳасида мақсадли бозор сегментини танлаш. Бозор, пул ва кредит. 2000. 12-сон, 66 бет.

туризмнинг ривожланиши ва талабнинг бундай суръатларда ўсиши халқаро саёҳатлар сонининг ортишига ҳамда уларнинг сарф-ҳаражатларига таъсир кўрсатмай қолмайди. Саёҳат қилган кишилар сони 2012 йилда 990 миллион кишини ташкил қилган бўлса, 2030 йилга келиб 1.8 миллиард кишини ташкил қилиши кутилмоқда¹³.

XX аср туризм соҳаси учун янгидан туғилиш, ўсиш ва ривожланиш асри бўлди. Бу асрда инсоният учун мисли кўрилмаган ва кутилмаган кашфиётлар, илмий-техникавий ривожланишнинг янгича ҳамда истиқболли йўналишлари таркиб топди. Ижтимоий иқтисодий тараққиётнинг бундай натижаларига эришилиши XXI аср учун янада мураккаброқ ва аҳамиятлироқ вазифаларни бошлаб берди.

XXI асрда туризм сиёсати, инсоният учун тинчлик ҳамда осойишталик рамзи сифатида ҳукуматлараро дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, эркин саёҳат қилишга тўсқинлик қилувчи жараёнларни камайтириш, туристларнинг саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, туристик марказларнинг барқарор ривожланишини рағбатлантириш каби муҳим масалаларни ўз ичига олган устувор сиёсатдир.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин дунёнинг барча мамлакатларида халқаро туризм шиддат билан ривожлана бошлади. Бунинг асосий сабаби жаҳон мамлакатларида аҳолининг ўсиш суръатини тезлашганлиги, мамлакатлар индустриясининг ривожланиши, аҳоли дарамадларининг ўсиши натижасида оммавий равишда саёҳат ва дам олишга аҳолида талаб ортиб борди.

Янги минг йилликнинг кириб келиши ва жаҳондаги иқтисодий-ижтимоий муносабатларнинг янги босқичга ўтиши халқаро туризм ҳаракатларини янада ривожлантирди. Бу соҳанинг жаҳон иқтисодиёти тизимидаги аҳамияти эса янада ошди.

Саёҳат ва туризм бошқа иқтисодий фаолият турларига қараганда бозор глобаллашуви ва иқтисодий ўсишдан мамлакатларни ўзлари учун фойда

¹³ World Tourism Organization (WTO) Data as collected by UNWTO, Madrid 2012 June

олишга ёрдам беради. Аммо туристлар учун ўз чегараларини очишдан аввал, янги туристик марказлар бир қатор шартларни бажариши лозим жумладан :

- психологик тўсиқлар (тил билан боғлиқ бўлган тўсиқлар, иқлим билан, тиббий муолажа билан, овқатланиш гигиенаси билан боғлиқ бўлган тўсиқлар) бартараф этилиши даркор;

- туристлар талабига жавоб берувчи қизиқишлар ва жойлашувларни тақдим этиши зарур;

- туристик марказ авиакомпаниялар мазкур маршрутга хизмат қилишни бошлаши учун туроператорлар турмарказни ўз пакетларига киритишлари учун, туроператорлар эса уни самарали сотиши учун чиқувчи туризм мамлакатлар туристик бозори иштирокчилари ўртасида маълум нуфузга эга бўлиши керак.

Туристлик йўналишлар мажбуриятига туризм индустрияси пойдеворини қуриш ва унинг муваффақиятли ривожланиши учун турли бозор иштирокчилари билан (авиакомпаниялар, меҳмонхона эгалари, тақсимот тизими, қизиқишлар индустрияси, актив дам олиш масканлари) келишилган ҳолдаги ҳаракатлари киради.

Хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, юқорида санаб ўтилган шартларни бажараётган мамлакатлар туризм индустриясида пешқадам бўлиб келмоқда.

2012 йилда жаҳон туризм соҳасида жадал ўсишлар юз берди. 2012 йилда 2011 йилга нисбатан халқаро ташрифлар бўйича 4% га кўпайиш кузатилди. Халқаро туризм тушумлари бўйича 6% га ўсиш қайд этилди.

Европа минтақаси 2012 йилда халқаро туризм ҳаракатларининг 51,7% ни ташкил этган. 2012 йилда Европа минтақаси 534,8 миллион хорижий туристларни қабул қилган. Саёҳатларнинг кўпчилиги Фарбий Европа ва Жанубий Европага тўғри келади. 2011 йилга нисбатан 2012 йилда Европа мамлакатларига ташрифлар 3,3% га ўсган.

Осиё ва Тинч Океани минтақасига 2012 йилда халқаро туризм ҳаракатларининг 22,5%и тўғри келган. Бу минтақанинг ҳамма худудлари

бўйича ўсиш кузатилган. 2012 йилдаги ташрифларни 2011 йилга таққослайдиган бўлсак, ўсиш суръати 6,8% ни ташкил этади. Таҳлил натижалари бу минтақага хорижий сайёҳларнинг қизиқишлари катта эканлигидан далолат беради.

1.1-жадвал

Дунё бўйича 2000-2012 йилларда халқаро туристик ташрифлар

Минтақалар	Халқаро туристик ташрифлар млн.киши					Ўзгариши %		Улуши %
	2000	2005	2010	2011	2012	2011/ 2010	2012/ 2011	2012
Африка	26,2	34,8	49,8	49,2	52,3	-1,1	6,3	5,1
Шимолий Африка	10,2	13,9	18,8	17,1	18,5	-9,1	8,7	1,8
Сахрой-Кабир чўли минтақаси	16,0	20,9	31,0	32,2	33,8	3,7	5,0	3,3
Америка	128,8	133,3	150,3	156,3	162,1	4,0	3,7	15,7
Шимолий Америка	91,5	89,9	99,3	102,1	105,6	2,8	3,4	10,2
Кариб ороллари	17,1	18,8	19,5	20,1	20,9	3,0	4,0	2,0
Марказий Америка	4,3	6,3	7,9	8,3	8,8	4,4	6,0	0,8
Жанубий Америка	15,3	18,3	23,6	25,8	26,9	9,4	4,2	2,6
Осиё ва Тинч океани	110,1	153,6	205,1	218,1	232,9	6,4	6,8	22,5
Шимолий-шарқ. Осиё	58,3	85,9	111,5	115,8	122,8	3,8	6,0	11,9
Жануб.-шарқ. Осиё	36,1	48,5	70,0	77,3	84,0	10,4	8,7	8,1
Океания	9,6	11,0	11,6	11,7	12,1	0,9	4,0	1,2
Жанубий Осиё	6,1	8,1	12,0	13,4	14,0	12,0	4,4	1,4
Европа	389,4	447,0	487,6	517,5	534,8	6,1	3,3	51,7
Шимолий Европа	47,8	62,4	63,8	64,8	65,1	1,6	0,4	6,3
Ғарбий Европа	139,7	141,7	154,3	161,0	165,8	4,3	3,0	11,0
Марказий-шарқ. Европа	69,3	90,4	95,9	105,3	113,7	9,8	8,0	11,0
Жан. Европа, Ғарбий Ўрта ер денгизи	132,6	152,5	173,5	186,4	190,2	7,4	2,0	18,4
Яқин шарқ	24,1	36,3	59,2	55,3	52,6	-6,7	-4,9	5,1
Жаҳон бўйича	678	805	952	996	1,035	4,7	3,8	100

Манба: World Tourism Organization (WTO) Data as collected by UNWTO, 2013 January

Америка минтақасини кўрадиган бўлсак, унга халқаро туризм ҳаракатларининг 15,7% и тўғри келган. Умумий минтақа (Америка минтақаси) улушига нисбатан Шимолий Америка туристларнинг 65 %ини ўз ичига олади. Шу жумладан, Шимолий ва Марказий Америка давлатларидан: Канада, Коста-Рика, Куба, Доминика, Гренада, Багам ороллари, Гаити,

Мексика, Панама, Пуэрто Рика, Сальвадор, Ямайка, Гваделупа, Гватимала давлатлари ҳамда Вашингтон каби йирик шаҳарлар туристларнинг асосий саёҳат қиладиган масканлари ҳисобланади.

2012 йилда энг кам улуш Африка ва Яқин Шарқ минтақасига тўғри келган, яъни халқаро туризм ҳаракатларининг 5,1% и холос. Ушбу ҳолат бевосита минтақада охириги пайтлардаги сиёсий беқарорлик, нотинчлик ва урушларнинг оқибатидир. “Араб баҳори” натижасида туризм секторига катта зиён етди. Айниқса, Миср давлатига ташриф буюрадиган туристлар оқими кескин камайиб кетди. Лекин Яқин Шарқ минтақасида туризмнинг ўсиш кўрсаткичлари САП, БАА ва Қатар каби мамлакатларида кузатилди.

1.2-жадвал

Жаҳон туризмида қабул қилувчи етакчи давлатлар

№	Давлатлар	Ташриф млн.		Ўзгариш %	№	Давлатлар	Тушум млрд. долл. АҚШ ҳисобидан		Ўзгариш %
		2010	2011				2011/2010	2010	
1	Франция	77,1	79,5	3,0	1	АҚШ	103,5	116,3	12,3
2	АҚШ	59,8	62,3	4,2	2	Испания	52,5	59,9	14,0
3	Хитой	55,7	57,6	3,4	3	Франция	46,6	53,8	15,6
4	Испания	52,7	56,7	7,6	4	Хитой	45,8	48,5	5,8
5	Италия	43,6	46,1	5,7	5	Италия	38,8	43,0	10,9
6	Туркия	27,0	29,3	8,7	6	Германия	34,7	38,8	12,0
7	Буюк Британия	28,3	29,2	3,2	7	Буюк Британия	32,4	35,9	10,9
8	Германия	26,9	28,4	5,5	8	Австралия	29,8	31,4	17,4
9	Малайзия	24,6	24,7	0,6	9	Макао (Хитой)	27,8
10	Мексика	23,3	23,4	0,5	10	Гонконг (Хитой)	22,2	27,7	24,7

Манба: World Tourism Organization (WTO) Data as collected by UNWTO, 2012 June

Жадвалдан кўриниб турибдики, туризм нуқтаи назаридан сайёрамиз давлатлари ичида энг жалб қилувчи – жозибадор давлат Франция бўлиб колмоқда. 2011 йилда Франция 79,5 млн. туристни қабул қилган. Францияга қилинган ташрифлар бўйича Париж шаҳри етакчилик қилади. Халқаро

туристик ташкилот томонидан олиб борилган сўровлар шуни кўрсатдики, туристларни ушбу шаҳарга, унинг гўзаллиги, тарихий обидалари, Эйфель минорасини кўриш орзуси, Лувр музейини томоша қилиш иштиёқи ва ҳ.к. сабаб бўлар экан. Чет эл туристларини қабул қилиш миқдори сони бўйича иккинчи ўринни буюк туристик мамлакат ҳисобланган АҚШ давлати эгаллади. Бунда, 2011 йилда АҚШга ташриф буюрган туристлар сони 2010 йилга нисбатан 4,2 фоизга ошиб, 2011 йилда 62,3 млн туристни қабул қилди.

Халқаро туризмдан тушган тушумлар бўйича етакчи ўринни АҚШ эгаллайди. 2011 йилда АҚШ туризмдан 116,3 млрд. доллар даромад олди. Бу ерга ташрифлар бўйича Нью-Йорк ва Лас-Вегас, Лос-Анжелес шаҳарлари етакчилик қилмоқда. Сўровларга кўра туристларнинг Нью-Йорк шаҳрига ташрифига асосий сабаб дунёдаги саноати ривожланган шаҳарлардан бирини кўриш истаги, ундаги осмонўпар бинолар ва Озодлик хайкалини кўздан кечириш ҳисобланади. Лас-Вегасга туристларни асосан кимор ўйинлари жалб қилади. Бу ердаги минглаб казино ва ўйин автоматлари, шунингдек кўплаб кўркем ва бетакрор меҳмонхона ва отеллари ҳеч бир туристни бефарқ қолдира олмайди. АҚШ туристик ташрифлар бўйича иккинчи ўринда бўлсада, туристик тушумлар бўйича биринчи ўринни эгаллаб турибди.

Иккинчи ўрин Испания ҳиссасига тўғри келди, унинг тушумлари 52,5 млрд АҚШ долларини ташкил этди. Ушбу мамлакатнинг Мадрид шаҳри туристик ташрифлар бўйича етакчилик қилмоқда. Ундан ташқари Испаниянинг бошқа кўпгина шаҳарлари ҳам туристларнинг сеvimли масканлари ҳисобланади.

Хитой туристик ташрифлар бўйича 3 ўринда бўлиб, саёҳатчилар сони 57,6 млн кишини ташкил қилди. Хитойга туристларни жалб қилувчи манбалар бу унинг бетакрор табиати, тарихий меъроси, Буюк Хитой девори ҳисобланади. Туристларни жалб этувчи шаҳарлар қаторига қўйидаги машҳур шаҳарлар Тайвань (12%), Пекин, Шэньян ва Тяньшань Химолой, Куньлунь, Нэншан каби тоғ тизмалари ҳам киради.


2010 йил якунларига кўра Италия туристик тушумлар бўйича салбий кўрсаткичга (-3.6%) эга бўлган. Бу ерда туристик тушумлар 2011 йили 38,8 млрд АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, бу 2010 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 10,9 % га кўп. Туристлар ўртасида энг машҳур шаҳарлари Рим, Милан, Турин ва бошқалар.

Алоҳида давлатлар ўзига хос фарқ қилувчи хусусиятларга эга бўлганлиги сабабли халқаро туристик оқимларни тақсимлашнинг ягона моделини тузиш анча мушкулдир. Бундан ташқари ҳар бир бориш мўлжалланган жойларга турли жойлардан туристлар ташриф буюрадилар, бунда улар турли транспорт воситаларидан фойдаланадилар. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, халқаро туристларни 45-50 фоизи белгиланган жойга куруқлик транспорти воситалари билан борадилар, 40-50 фоизи ҳаво транспортдан фойдаланадилар. Тахминан 70 фоиз сафарлар дам олиш мақсадида амалга оширилса, халқаро ташрифларни умумий миқдоридан 30 фоизи турли ишларни бажариш билан боғлиқ ташрифлар ҳисобланади.

Халқаро туристлар оқимининг энг кўп сони юқори иқтисодий ривожланиш босқичида бўлган давлатлардан жўнатилмоқда. Япония ва Австралиядан ташқари барча шу каби давлатлар Европа ва Шимолий Америкада жойлашган бўлиб, шуни қайд қилиш керакки, Германия, АҚШ, Буюк Британия ва Япония давлатларига халқаро туризм билан боғлиқ барча харажатларнинг қарийб ярми тўғри келади. Мазкур давлатлар ичида алоҳида қизиқиш ўйғотадиган Япония давлати ҳисобланади.

Чунки XX асрнинг 90 йилларида японлар халқаро туризм билан янада фаолроқ шуғуллана бошладилар. Япониянинг тажрибасидан фойдаланган ҳолда, Жанубий Корея ва баъзи Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари ҳам Япония изидан кетмоқда.

Қуйида берилган расм орқали халқаро туризмнинг минтақалараро қандай тақсимланганини яққол кўришимиз мумкин: Европа минтақасига халқаро туристларнинг 51% и тўғри келади, Африка ва Яқин Шарқ минтақаларида эса ушбу кўрсаткич 5% ни ташкил этди.



1.1 расм. 2012 йилда халқаро туризмнинг минтақалар бўйича тақсимланиши
 Манба: “2012 International tourism results and prospects for 2013”, UNWTO news conference HQ, Madrid, Spain 29 January 2013

Бутун жаҳон туризм ташкилоти маълумотларини таҳлил қилиш натижаси шуни кўрсатадики, жаҳон халқаро туризм ҳаракатларида Европа ҳамда Осиё ва Тинч океани минтақалари етакчилик қилади.

Маълумотларнинг кўрсатишича, Африка, Яқин Шарқ, Жанубий Осиё ва Тинч океани минтақалари туризм бозорини таъминловчи асосий давлатлар Европа ва Америка минтақаси мамлакатлари ҳисобланади.

Дунё бўйича йилига бир миллиондан ортиқ туристларни қабул қила оладиган 50 дан ортиқ мамлакат мавжуд. Шулардан 23 тасига йилига 10 млн.дан ортиқ туристлар ташриф буюради. Жаҳондаги 10 та ривожланган мамлакатларга йилига 25 миллиондан 79 миллионгача турист ташриф буюради.


Ҳар бир давлат туристик ташрифлар учун афзалроқ жой деб ҳисоблайдиган ўзига хос рўйхатга эга бўлиб улар қаторига, аввало қўшни давлатлар киради ҳамда Франция, Испания, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия ҳам шулар жумласидандир.

Янги туризм индустриясининг таркибидаги бозор маълумотлари куйидагилардан ташкил топади:

- Туризм марказлари ва манзиллари.
- Саёҳат турлари ва дастурлари.
- Ҳаво йўллари транспорти ва учиш альтернативлари.
- Меҳмонхона ва бошқа жойлашув имкониятлари.
- Ҳар хил кема транспортлари, автомобиль ижараси.
- Дам олиш хизматлари, турлари ва нархлари.

Туризмни ривожлантиришда энг муҳим ўринни унча узоқ бўлмаган масофаларга саёҳатлар эгаллайди (яъни кўшни давлатларга), халқаро туристик сафарларнинг умумий сонидан 40 фоизи уларнинг ҳиссасига тўғри келади.

1980 йилларда янада узоқроқ масофаларга саёҳат қилишга қизиқиш кучайди ва бу тенденция ҳозирги вақтда ҳам сақланиб келмоқда, чунки, туристик мақсадларда янада экзотик ғайритабiiй, ғалати, ажиб, нафис янги жойларга эҳтиёжлар туғилди, туриндустрия эса бундай талабни қондиришга тайёрлигини билдирди ва исботлади.



1.2-расм. Халқаро туристик ҳаракатланишда транспорт турларидан фойдаланиш, 2011 йил
Манба: World Tourism Organization (UNWTO)

Ҳозирги замонавий техника – технология туфайли нархлари бўйича маъқул бўлган, ҳамда унчалик кўп вақтни олмасдан узоқ масофаларга

парвозлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Халқаро туристик ҳаракатланишнинг 51% и ҳаво йўллари орқали амалга оширилмоқда (1.2 расмга қаранг). Бу ерда 2011 йил давомида халқаро туристлар ҳаракатланишда қайси транспорт воситасидан кўпроқ фойдаланганликларини кўриш мумкин. Ҳозирги тенденция халқаро туристларнинг ҳаракатланишида темир йўллардан фойдаланиш улуши камайиб кетаётганини кўрсатмоқда.

Халқаро туристларнинг ташриф сони бўйича Европа пешқадамликни давом эттирмоқда, бу эса Европада мавжуд бўлган қўйидаги омиллар сабабли амалга оширилмоқда:

- қўшни бўлиб жойлашган қатор нисбатан кичикроқ давлатларни мавжудлиги, бу эса ўз навбатида, чегараларни кесиб ўтишини таркибига киритувчи қисқа муддатли саёҳатларга кўп сонли туристлар оқимини рағбатлантиради;

- ривожланган туристик инфратузилма ва транспорт хизматини юқори даражаси;

- жаҳон аҳамиятига молик табиий ва маданий обидаларнинг мавжудлиги;

- тур маҳсулотларни турли – туманлигини танлаш – пляжда дам олишдан тортиб то қишки спорт дам олишгача;

- тайёрланган ишчи-ходимлар;

- юқори даражада ривожланган иқтисодий база.

Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра халқаро туризм ривожланиши асосида қуйидаги омиллар ётади¹⁴:

- иқтисодий ўсиш ва ижтимоий тараққиёт;

- транспорт воситаларининг ривожланиши;

- ривожланган давлатларда ишчи ва хизматчилар сонининг кўпайиши ва улар моддий ва маданий савиясининг ўсиши;

- меҳнат интенсификацияси ва меҳнаткашлар таътилининг узайиши;

¹⁴ Норчаев А.Н. Туризм индустрияси менеджменти. Халқаро илмий-амалий анжуман. –ТДИУ, 2003. 235-237б.

- давлатлараро муносабатлар ва маданий алоқалар ривожланиши, шахслараро алоқаларнинг минтақа ва минтақалараро кенгайиши;
- хизматлар соҳасининг ривожланиши;
- технология ривожланиши;
- чегара тўсиқлари, валюта алмашуви ва четга чиқариш тўсиқларининг камайиши, қоғозбозликнинг қисқариши.

Дунё бўйича туризмнинг аҳамияти доимий равишда ўсиб келмоқда. Бу туризмнинг иқтисодийга бўлган бевосита таъсири натижасидир. Юқорида санаб ўтилган омилларнинг таъсири остида 2012 йилда туризм эвазига даромадлар суръати ошган мамлакатларни кўриб ўтсак.

1.4 жадвал.

Дунё минтақалари бўйича халқаро туризм ҳаракатлари

Минтақалар бўйича туристларни қабул қилувчи мамлакатлар	Минтақалар бўйича туристларни жўнатувчи мамлакатлар
Африка минтақаси бўйича	
Тунис, Марокаш, Жазоир, Жанубий Африка Республикаси, Ботсвана, Кения, Замбия	Франция, Германия, Италия, Буюк Британия, Испания, Америка Қўшма Штатлари, Швейцария, Нидерландия.
Америка минтақаси бўйича	
Америка Қўшма Штатлари, Канада, Пуэрто-Рико, Доминикан Республикаси, Мексика, Гавайя ороллари, Аргентина, Бразилия.	Буюк Британия, Германия, Канада, Америка Қўшма Штатлари, Мексика, Франция, Япония, Скандинавия мамлакатлари.
Осиё ва Тинч океани минтақаси бўйича	
Хитой, Малайзия, Гонконг, Япония, Тайланд, Жанубий Корея, Сингапур, Австралия.	Япония, Буюк Британия, Америка Қўшма Штатлари, Германия, Жанубий Корея, Тайланд, Австралия, Янги Зеландия.
Европа минтақаси бўйича	
Франция, Австралия, Испания, Буюк Британия, Италия, Германия, Венгрия, Швейцария.	Германия, Нидерландия, Буюк Британия, Франция, Италия, Скандинавия мамлакатлари, Америка Қўшма Штатлари, Бельгия.
Яқин шарқ минтақаси бўйича	
Иордания, Миср, Саудия Арабистони Подшоҳлиги, Бирлашган Араб Амирликлари, Сурия, Бахрайн.	Миср, Иордания, Америка Қўшма Штатлари, Германия, Буюк Британия, Франция.
Жанубий Осиё минтақаси бўйича	
Ҳиндистон, Покистон, Шри-Ланка, Непал, Малдив Республикаси, Бангладеш, Эрон Ислом Республикаси.	Буюк Британия, Ҳиндистон, Америка Қўшма Штатлари, Германия, Франция, Япония, Италия.

Манба: World Tourism Organization (WTO)

2012 йилда туризмдан олинган энг юқори даромадларнинг ўсиш суръати Гонгконг(Хитой)да 17 фоизни, АҚШда 8 фоиз, Германияда 7 фоиз, Францияда 5 фоиз ва Буюк Британияда 4 фоиз кузатилди. Йирик тур йўналишларнинг маълумот беришича ушбу кўрсаткичнинг икки хонали рақамлар билан ўсиши қуйидаги мамлакатларда қайд этилди: Япония (+48%), Швеция (+26%), Жанубий Африка (+26%), Жанубий Корея (+26%), Ҳиндистон (+23%), Польша (+19%), Тайланд (+17%), Россия Федерацияси (+16%), Чехия Республикаси (+13%), Тайвань(Хитой вилояти) (+11%), Сингапур (+10%) ва Хорватия (+10%)¹⁵.

Ўз таркибига Шарқий Осиёни ва Тинч океан хавзалари давлатларини олган ҳудуднинг мавқеъи ва аҳамияти асосан Япония ҳисобидан амалга оширилмоқда. Сиёсий барқарорлик, янги авиамаршрутлар, улкан реклама тарғибот фаолияти, янги антиқа турларни ишлаб чиқиш ва валютани алмаштириш курсини қўлайлиги ва ҳ.к. сабабли ушбу ҳудудда туризм тараққий этмоқда. Япониядан ташқари бу минтақада, Гонгконг, Сингапур, Тайланд, Малайзия ва Жанубий Корея ҳам, кунчиқар мамлакатидан кейин янада оммавийлашмоқда. Мазкур давлатлардаги иқтисодий ривожланиш туристларни ушбу ҳудуд ичида эркин ҳаракатланиши ҳажмини оширишга имкон беради.

Африка минтақаси туризмга мўлжалланган сифатида халқаро туристларнинг умумий миқдоридан атиги 5 фоизинигина қабул қила олади, бу ҳам туристларнинг асосий оқими континентнинг Шимолий қисмида жойлашган давлатларга тўғри келади.

Яқин Шарқ давлатлари туристларнинг ички ҳудудий ҳаракатланиши билан ажралиб туради. Ноқулай сиёсий вазият, ҳарбий ҳаракатлар ва терроризм сабабли мазкур минтақада туриндустрия турғунлик босқичида турибди, САП ва БАА дан ташқари. Табиийки, бундай шароитларда мазкур минтақа туристик потенциалини амалга ошириш жуда мушкул.

¹⁵ World Tourism Organization (WTO) Data as collected by UNWTO, Madrid 2012 November

Жанубий Осиё ҳиссасига ташриф буюрувчи халқаро туристларни умумий сонидан жуда кичик қисми тўғри келади, буларнинг ярмини-Ҳиндистонга ташриф буюрувчи туристлар ташкил қилади. Хитой туристик йўналиш сифатида улкан потенциалга эга мамлакат ҳисобланади.

Барча давлатларни икки категорияга бўлиш мумкин (1.4 жадвал): туристларни етказиб берувчи давлатлар ҳамда туристларни қабул қилувчи давлатлар. Туристларни етказиб берувчи давлатларга ўз фуқароларини чет элга чиқариш бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлган, саноати ривожланган давлатларни киритиш мақсадга мувофиқдир.

Одатда чиқувчи туристлар сони мамлакат аҳолисининг умумий сонидан 10 фоизига тенг бўлади. Аммо, бу давлатлар нафақатгина туристларни жўнатади, шу билан бирга каттагина миқдорда чет эл меҳмонларини қабул қилади.

Туристларни қабул қилувчи давлатлар қаторига ўртача даражадаги иқтисодий ривожланишга эга бўлган ҳамда ривожланаётган давлатлар киради. Туристларни қабул қилувчи давлатлар ўз иқтисодий тараққиёти бўйича ўртача даражада бўлса ҳам, анчагина миқдорда ўз фуқароларини чет элга жўнатадилар.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаси, халқаро туризмни ривожлантириш борасида ҳали амалга оширилиши лозим бўлган талайгина масалалар мавжудлигини кўрсатмоқда. Жумладан дунёда энг кўп туристларни қабул қилувчи мамлакатлар Европа мамлакатлари ҳисобланса, кейинги ўринларни Жанубий ва Ўрта Ер денгизи давлатлари, Ғарбий Европа (Италия, Испания, Греция, Кипр, Сицилия ороллари), Швейцария, Белгия, Люксембург, Лихтенштейн давлатлари эгаллар экан.

Бу борада Ўзбекистонга ташриф буюрувчи хорижий туристлар оқимини янада кўпайтириш борасида ушбу мамлакатлар тажрибасини чуқур таҳлил қилиб, уларнинг ижобий натижаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

2-БОБ. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИДА ХАЛҚАРО ТУРИЗМ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

2.1. БААда халқаро туристлар ва туристик даромадлар оқими динамикаси ва унга таъсир этувчи омиллар

Бутун жаҳон туризм ташкилоти (UNWTO)нинг маълумотларига кўра, 2011 йилда жаҳонда туристик оқимлар 4,4% га кўпайди. 2010 йилдаги 940 млн дам олувчиларга нисбатан 2011 йилда 981 млн кишига етди. 2012 йилда халқаро туризм оқимлари 1 млрдга етиши башорат қилинган эди.

Яқин Шарқ минтақасида 2011 йилги тўнтаришлар туфайли бўлган йўқотишлар (5% гача) аста–секин ўз ўрнига қайтиши башорат қилинди. САП ва БАА каби барқарор мамлакатлар кейинчалик ҳам ўзларининг барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолишлари кутилмоқда.

Яқин Шарқ ўзининг ноёб маданияти ва анъаналарига бойдир. Сектор инфраструктураси ва йўловчиларни ҳавода ташиш имкониятлари кенгайиб бормоқда. Давом этаётган ўзгаришлар улкан имкониятларни тақдим этмоқда. Агар БАА ҳақида гапирадиган бўлсак, йилдан–йилга Амирликлар мамлакатда ўзининг барқарор сиёсий ҳолати ва ривожланган инфраструктураси, қулай иқлим шароити ва хизматнинг юқори стандартлари туфайли туристлар учун янада жозибали бўлиб келмоқда.


Бирлашган Араб Амирликлари кўплаб ўзига хос жиҳатлари билан бошқа араб мамлакатларидан ажралиб туради. БАА энг бой араб мамлакатларининг бири бўлиб, улкан чўлу биёбонлар ичида оазис бўлиб кўринади. Мамлакатнинг пойтахти Абу Даби амирлиги бўлсада, лекин туристларни Дубай амирлиги ўзига жалб этади. Ушбу шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари турли оммавий ахборот воситалари орқали жуда ҳам яхши реклама қилинади. Ҳозирги кунда бирор бир шаҳар Дубай билан тенглаша

олмайди. Юқори тезликда қурилаётган турли хил кўринишдаги архитектура бинолари амирликни чўл ичида замонавий мегаполисга айлантирди.

БАА бугунги кунда туризм марказларидан бирига айланишига ва амирликларда туризм саноатининг ривожланишига катор омиллар таъсир кўрсатади:

- Географик жихатдан қулай ерда жойлашганлиги;
- Мавсумий қулай иқлим шароити;
- Юқори даражада инфраструктуранинг ривожланганлиги;

Олдинги пайтлардан буён БАА ғарбдан шарққа ва шимолдан жанубга олиб борувчи асосий йўлларнинг чорраҳаси бўлиб ҳисобланади. БАА - Европа, Осиё ва Африка минтақаларидан бир хил узоқликда жойлашган.



2.1-расм. 2000-2010 йилларда БААда халқаро туризм харажатларининг ўзгариш динамикаси (млн. АҚШ доллари)

Манба: World Tourism Organization (UNWTO), Yearbook of Tourism Statistics

Лекин туристларни жалб қилиш учун биргина қулай географик шароитнинг мавжудлиги етарли бўлмайди. Туризм саноатининг ривожланишига биринчилардан бўлиб Дубай амирлиги маблағлар ажратган. Айниқса нефт буми даврида ҳукумат нефт долларларини инфраструктурани ривожлантиришга йўналтирган. Лойдан қилинган уйларнинг ўрнига замонавий бинолар, меҳмонхоналар, банклар, болалар учун кўнгилочар марказлар қурила бошланди. Жуда ҳам катта маблағларнинг жиддий ва

узоққа мўлжалланган лойиҳаларга киритилиши БААни ХХІ асрда катта силжишлар билан ривожланиб кетишига олиб келган.

2.1-расмдан кўриниб турибдики, БААнинг туризм саноатига ажратган маблағлари йилдан йилга кўпайиб борган. Буни баъзи меҳмонхоналарнинг чиндан ҳам ғайритабиий хизматларни тақдим этиб, кўпгина маблағ ажратаётганликлари билан изоҳлашимиз мумкин. Масалан, “Бурж ал Араб” меҳмонхонаси БААга ташриф буюрадиган туристларнинг хоҳишига қараб, улар учун вертолётдан фойдаланиш имкониятини яратади. Вертолёт қўниши учун меҳмонхонанинг томида махсус қўниш жойи қурилган.

Шуни таъкидлаш зарурки, бу каби хизматлар меҳмонхонага даромаддан кўра кўпроқ харажат қилишга олиб келади. Лекин меҳмонхона туристлар учун барча шароитларни яратиш ва иложсиз нарсани ўзи йўқлигини кўрсатиш учун шундай хизматларни кўрсатади. Жаҳон банкининг ҳисоботида кўра халқаро туризм харажатлари бўйича БАА 191 та мамлакат ичида 24 ўринни эгаллаган¹⁶.

БААда меҳмонхоналар учун 5 юлдузли француз тизими қабул қилинган. Апартамент ва виллалар ҳам кенг тарқалган.

Меҳмонхоналарни гуруҳлашда Британия туризм агентликлари Уюшмасининг таснифи энг тўғри ҳисобланади:

Бюджет меҳмонхоналари (1 юлдузли). Шаҳарнинг марказий қисмларида жойлашган бўлиб, минимум даражадаги қулайликларга эга.

Туризм классдаги меҳмонхоналар (2 юлдузли). Бар ва ресторанларга эга.

Ўрта классдаги меҳмонхоналар (3 юлдузли). Хизмат кўрсатиш етарли даражада юқори.

Биринчи классдаги меҳмонхоналар (4 юлдузли). Яшашнинг жуда юқори даражадаги сифати ва хизмат кўрсатишнинг аъло даражаси.

Юқори классдаги меҳмонхоналар (5 юлдузли). Хизмат кўрсатиш ва яшашнинг энг олий класс.

¹⁶ UAE economy, www.factfish.com

Дубай амирлиги ишбилармонлик, савдо ва туризм марказлари бўлиб келмоқда.

Дубай катта маблағларни инфраструктурани ривожлантиришга киритган бўлиб, араб мамлакатлари ичида энг етакчи технологиялари билан ажралиб туради. Унинг менежменти ғарб тизимида олиб борилмоқда.

Дубайда меҳмонхоналар сони 500 дан ортиқ ва уларнинг сифати йилдан йилга яхшиланиб бормоқда¹⁷.

Дубай меҳмонхона фондининг катта қисми 4 ва 5 юлдузли меҳмонхоналардан иборат. Ушбу даражадаги меҳмонхоналарнинг кўпчилиги Форс кўрфазида “Жумайра бич” районида қирғоқ бўйлаб жойлашган. Ушбу районларда 20 йилдан буён шиддат билан ҳашаматли меҳмонхоналар қурилмоқда. Етакчи меҳмонхона тармоқлари қаторидан «Accor», «Hitnot», «Кемпенски», «Redison» лар муҳим ўрин эгаллаган.

5 юлдузли энг сара меҳмонхоналарга «Роял Мират» меҳмонхонаси киради. Меҳмонхона учта дабдабали саройлар “Arabian Court, The Resident and SPA” дан иборат. У Форс кўрфази қирғоғидаги 65 акр¹⁸ масофани эгаллаган. Меҳмонхона 475 та серҳашам хоналардан иборат бўлиб, арабча услубда безатилган. Бу ерда 1100 дан ортиқ ишчи хизмат кўрсатади¹⁹.

Дубай шаҳри бир қанча диққатга сазовор жойлари билан йилдан йилга туристларнинг катта оқимини жалб қилиб келмоқда.

- Дунёдаги энг катта бино – Бурж–Халифа. Ҳозирги кунда ушбу иморат жаҳондаги энг баланд иншоотлар рейтингда 1 ўринни эгаллайди. Баландлиги 828 метрни ташкил этади. Ушбу бино “шаҳар ичидаги шаҳар” тарзида лойиҳалаштирилган. Ажойиб архитектура лойиҳасининг муаллифи америкалик архитектур Эдриан Смит бўлган. Қурилиш 2004 йил 21 сентябрда бошланиб, 2010 йилнинг 4 январида якунланди²⁰.

¹⁷ World Economic Forum, “The Travel & Tourism Competitiveness Report”, 2011

¹⁸ акр (Англия ва Шимолий Америкада 0,4047 гектарга тенг ер ўлчови).

¹⁹ The challenges of economic diversification through tourism: the case of Abu Dhabi. International Journal of Tourism Research, Sharpley R. 2012.

²⁰ United Arab Emirates website. <http://www.uae.org.ae> (accessed 10 December 2012).

- Ски Дубай чанғи курорти. Оддий инсон учун йил бўйи куёш чарақлаб турадиган иссиқ минтақада чанғи курортининг бўлишини тасаввур қилиш кийин. Дубай шаҳри учун иложсиз нарсанинг ўзи йўқ. Энг йирик савдо марказида 22 500 квадрат метр майдонни эгаллаган чанғи курорти қурилган. Ушбу чанғи учиш комплекси бутун йил давомида ишлайди²¹.

- Дунё архипелаги. Ушбу ажойиб архитектура асари кўплаб кичик сунъий оролчалардан иборат. Агарда юқоридан самолёт орқали архипелагга қаралса, дунё харитасини кўриш мумкин.

- Пальма ороллари. Бу ороллар Дубай шаҳрига доимо ташриф буюрадиган туристлар оқимининг кўпайиб бораётганлиги учун, уларни жойлаштириш мақсадида қурилган. Ушбу ороллар шакли жихатидан пальмаларни эслатади.

- Дейра соат минораси. Ушбу минора шаҳар ташқи кўринишининг ўзгарганини кўрсатган тимсол бўлди. Бу ишшоот 1963 йилда, яъни нефт экспорти бошланганда қурилган. Минора Мақтум Бридж кўпригининг дарвозаси олдида туради.

- Интернет Сити Дубай. Ушбу район солиқлардан озод қилинган ва ўзининг юқори технологиялари билан ажралиб туради.

- Дубай амирлигининг асосий йўли – Шайх Зайд Род. Ушбу йўлсиз Дубай шаҳри билан танишиш тўлиқ бўлмайди. Бу йўл Дубай амири бўлмиш шайх Мақтум бин Рашид ал–Мақтумнинг шарафига номланган.

- Дубай Марина. Бу район шаҳарнинг санъат қисмини ўзида акс эттиради. Бу ерда энг мухташам меҳмонхоналар, савдо ва кўнгилочар марказлар, зодагонлар саройи ва ғайриоддий биноларни кўриш мумкин.

- Ал Бастакия – қадимий район. Ушбу район 1890 йиллардан буён замонавий Дубайда қадимийлиги билан алоҳида ўрин эгаллайди.

- Бурж ал–Араб меҳмонхонаси. Меҳмонхоналар ичида бутун дунёга машҳур бу “Бурж ал Араб” меҳмонхонасидир. Дубайга ташриф буюрувчи туристлар жаҳоннинг энг ғайритабиий меҳмонхонасида тўхташни

²¹ The Observer. 2010. Ski in the desert? It could only happen in Dubai. The Observer 20 November.

истайдилар. Ушбу меҳмонхонани сўз билан таърифлаш мушкул, унинг мухташамлигини кўз билан кўрган афзал. Араб тилида араб минораси деган маънони англатади. У елкан шаклида сунъий ороллар ўртасида қурилган. Унинг баландлиги 320 метр бўлиб, ресторан ва фавворалари туристлар қизиқишини орттиради. Ресторан 32000 кв. метрни ташкил этади. Фаввора эса олов шари шаклида бўлиб, 30 метр баландликка отилиб 12 қаватга кўтарилади ва қизиғи ҳеч ким фавворадан ҳўл бўлмайди. Меҳмонхонада ҳар куни 100 хилдаги янги гуллар Тайланд ва Жанубий Америкадан олиб келиниб, ясатилади. 1200 дан ортиқ ишчилар хизмат кўрсатадилар ва хаттоки 6 та ишчи хизмат кўрсатадиган хоналар ҳам мавжуд. Бу меҳмонхонада араб саройлари ҳам мавжуд ва уларнинг нархи 9 баробар қиммат. Меҳмонхонанинг энг чўққисида лочин яшайди²².

Беш юлдузли меҳмонхоналар билан бир қаторда тўрт юлдузли меҳмонхоналар ҳам кўп. Масалан, “Oasis Beach Hotel” меҳмонхонаси Дубай аэропортидан 35 км узоқликда жойлашган бўлиб, иккита сув ҳавзаси бор оазисни эслатади. “Жумайра интернешнл” меҳмонхона тармоғининг савдо ва маркетинг бўйича директори Билл Уолшнинг сўзларига кўра: “МДҲ мамлакатлари, хусусан, Россиядан келган туристлар бизнинг меҳмонхоналаримизнинг доимий мижозлари бўлиб келмоқда. Янги йил байрамларида россиялик туристлар оилавий дам олиб кетадилар”²³.

Дубай бу сеҳрли шаҳар, унинг кўриниши эртақлардек ўзгариб туради. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, Дубай шарқона эртақ шаҳридир.


БАА туризмнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири, бу ерга туристлар йилнинг исталган пайтида ташриф буюришлари мумкин.

Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати ҳар йили кўпроқ туристларни жалб қилиш мақсадида турли хил кўнгилочар ва бизнесга оид хизматларни амалга ошириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш устида ишламоқда. Охириги йиллар ичида туризм секторининг айланма маблағлари кўнгилочар

²² UAE. 2011. United Arab Emirates Yearbook. Planet:London, 2011

²³ World Economic Forum, “The Travel & Tourism Competitiveness Report”, 2013

хизматлар, бизнес, конференция, кўргазма ва бошқалар ҳисобига ошди. Қуйида берилган расм орқали БААда туризм секторидан тушадиган даромадларни йиллар бўйича ўзгаришини кўришимиз мумкин.



2.2 расм. 1995-2011 йилларда БААда халқаро туризм даромадларининг ўзгариш динамикаси (100 минг АҚШ доллари)

Манба: World Tourism Organization (UNWTO), Yearbook of Tourism Statistics

Шуни таъкидлаш лозимки, БАА халқаро туризм даромадлари бўйича етакчи ўринни эгалламайди. Жаҳон банкининг ҳисоботиغا кўра 196 та мамлакат ичида БАА халқаро туризм тушумлари бўйича 31 ўринда ва жаҳонда халқаро туризм даромадлари улуши 0,8 % ни ташкил этади²⁴.

2.1 жадвал.

2011 йилда БААга ташриф буюрган халқаро туристларнинг харажатлари


№	Мамлакатлар	Харажатлар (АҚШ доллари)
1	Буюк Британия	489 500 000
2	Россия	342 500 000
3	АҚШ	340 000 000
4	САП	326 300 000
5	Хитой	225 100 000
6	Ангола	166 100 000
7	Қувайт	148 100 100
8	Ҳиндистон	141 300 000
9	Франция	134 100 000
10	Қозоғистон	133 100 000

Манба: VISA Tourism Outlook: UAE, June 2012

²⁴ UAE economy, www.factfish.com

БААдан ташқари бошқа ФКАМҲК давлатлари ҳам туризм секторини ривожлантиришга катта аҳамият бермоқда. Ҳали хануз тушумларнинг миқдори бўйича САП бозори БААдан олдинда туради. Қатарга йилдан йилга туризм ва бизнес учун ташриф буюраётган кишилар миқдори ошганлиги натижасида у минтақада энг тез ривожланаётган мамлакатга айланиши кутилмоқда. Қатар 2030 йил ҳукуматнинг миллий концепциясига етиб олиш учун 2022 йилги жаҳон футбол чемпионатида қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

2011 йилда БААга ташриф буюрган халқаро туристлар виза (Visa) карточкалари орқали 4 млрд АҚШ доллари миқдорида харажатларни амалга оширдилар. БААда умумий халқаро харажатларнинг 28,7 % ини Буюк Британия, Россия ва АҚШ туристлари ташкил этди. Уларнинг харажатлари жами 1,2 млрд АҚШ долларига етди.



2.3 расм.1995-2012 йилларда БААда халқаро туристик ташрифларининг ўзгариш динамикаси (млн киши)

Манба: World Economic Forum, “The Travel & Tourism Competitiveness Report”, 2013

БААга ташриф буюрувчи туристлар оқими ошиб бормоқда. Расмдан фақат ўсиш тенденциясини кўриш мумкин, фақатгина 1996-1997 ва 2008-2009 йиллардагина бироз пасайиш тенденцияси кузатилган. Business Monitor International (BMI) халқаро компаниянинг башоратларига кўра, БААга ташриф буюрадиган туристлар 2012 йилга нисбатан 9 % га ошиб 2013 йилда 9 млн кишига етиши айtilган. Тадқиқотчилар 2020 йилда БААга келадиган

туристлар оқими 15 млн кишига етади деб ҳисоблайдилар. Бундай кўрсаткичга (+6 млн) БАА ҳозирги кунда доллар курси ва нефт нарҳига боғлиқ бўлган иқтисодиётда мўлжалланган диверсификация эвазига эришишни режалаштирган²⁵.

Дубай ва Абу Даби амирликларидан бошқа 5 та амирлик ҳам туристларнинг катта оқимини ўзига жалб қилмоқда. Ушбу амирликларнинг БАА туризм секторининг ривожланишига таъсир этувчи туристик ресурслари ва омилларининг асосийларини қуйида кўриб чиқамиз.

Ажойиб чиройли шаҳар, архитектура ва қадимий ёдгорликлар, қулай меҳмонхона, шинам ресторан ва кафелар Шаржа амирлигини бутун дунёдан келадиган туристлар учун энг қулай дам олиш жойи қилиб кўрсатади.

Шаржа – иқтисодий ривожланганлик даражаси билан Дубай ва Абу Даби амирликларидан сўнг 3 ўринда туради²⁶. Бу ерда "Дезерт Парк" комплекси жуда ҳам машҳур. Комплекс Арабистоннинг ёввойи табиатини, болалар фермаси ва табиий тарих музейини ўзида мужассам этади. Паркнинг диққатга сазовор жойларини кўришга бир кун кетади.

Шаржа археологик музейида 5000 йиллик археологик экспонатлар тақдим этилади. Заргарлик буюмлари, қояга ўйиб ёзилган санъат асарлари, меҳнат жиҳозлари, қабр қолдиқлари йўқолиб кетган цивилизация ва қадимий маданият ўчоқларини ўзида акс эттиради. Туристлар учун замонавий виртуал ва компьютер жиҳозлари ҳам мавжуд.

“Форт ал Хисн” музейи 1820 йилда қурилган бўлиб, олдин кўплаб ҳукмдорлар бу ерда кутиб олинган. У 200 йил аввал шайх Султон бин Сакр ал Қосимий томонидан ташкил этилган. Бу ер туристлар учун жуда ҳам қизиқ. Чунки бу ерда Шаржанинг бутун бўлиб ўтган қадимий ривожланиш давларини билиш мумкин.

Қадимий музейида Шаржа ҳукмдорининг шахсий коллекциясидаги ислом маданиятига тегишли экспонатлар мавжуд: ислом тангалари, Эрон

²⁵ www.tourinfo.ru, 28 september 2012 № 657301

²⁶ World Economic Forum, “The Travel & Tourism Competitiveness Report”, 2013

шишалари, 13 асрга тегишли тери ва тилладан қилинган исломий қўлёзмалар ва бошқалар мавжуд.

Табиий тарих музейида турли тарихий даврларни акс эттирадиган 5 та замонавий кўргазма заллари бор. Компьютер технологиялари орқали туристларга дунёнинг пайдо бўлиши, вулконларнинг отилиши, эволюциялар ҳақида маълумотлар кўрсатилади. Бундан ташқари, шаҳарда подшоҳ Файсалнинг мачити ва халқаро экспомарказ бор.

Меҳмонхоналар асосан беш ва тўрт юлдузли бўлиб, Форс кўрфазининг қирғоқ бўйларида жойлашган. Шаржа амирлигига туристлар кўпинча оилавий, болалар билан ташриф буюрадилар.

Шаржанинг туристларга ёқмайдиган салбий тарафлари: спиртли ичимликлар ичилишининг таъқиқланиши ва кечки кўнгилочар клубларнинг йўқлиги.

Ижобий тарафлар: меҳмонхоналарнинг денгизга яқин ерда жойлашганлиги ва Дубайга нисбатан анча паст нархда хизмат кўрсатилиши.

Ажман – бу Шаржа билан чегарадош БААнинг энг кичик амирлиги ҳисобланади. Ажман денгиз порти ва эркин савдо ҳудудлари билан машҳур. Ажманнинг туризм инфраструктураси бир нечта меҳмонхона, айниқса “Ажман Кемпенск” меҳмонхонаси билан муҳим аҳамият касб этади. Ушбу беш юлдузли меҳмонхона Германия ва Россия туристлари ичида машҳурдир. Бу меҳмонхона “Жумайра” билан рақобатлашади. Ҳар йили Ажманда “Ажман фантазия” савдо-кўнгилочар фестивали бўлиб ўтади.

Бир неча йил олдин Абу Даби амира шайх Зайд Ажманга тўртта минорали катта мачитни ва замонавий музей мажмуасини ҳадя этди.

Рас ул –Хайма – бу энг шимолий амирлик. Археологик топилмалар бундан 5000 йил аввал амирликда ҳаёт бўлганлигини тасдиқлайди. Тоғли яшил ерлар амирликни БААнинг энг чиройли жойларидан бири қилиб кўрсатади. Бу ерда Арабистоннинг энг туб аҳолиси истиқомат қилади. Рас ул–Хайманинг туризмдаги имкониятлари катта, лекин ҳали хануз улардан

тўлиқ фойдаланилмапти. Амирликнинг шайхи яқин йилларда Рас ул – Хаймани туризм марказига айлантиришни режалаштирган.

Умм-ал-Қайвайн Дубай амирлигидан узоқда жойлашмаган унча катта бўлмаган амирликдир. Бу ерда туризм инфратузилмаси юқори ривожланган ва у кенг оммага катта аквапарк бўлмиш «Dreamland» билан машҳур. Бу ерда айниқса туризмнинг экстремал турлари ривожланган: маҳаллий аэроклуб туристлар учун “паст баландлик”да “акулалар учбурчаги” районида учуш ва ушбу районда парашютдан сакраш имкониятини беради. Шунингдек, авто ва мото пойгаларнинг замонавий мажмуаси туристлар оқимини Умм-ал-Қайвайн амирлигига жалб қилади.

*Фужайра*да дам олиш бу нафақат пляжда хордиқ олиш, балки балиқ тутиш, қишда турли ранг ва кўринишда ўсадиган буталарни Хожар тоғларида кўриш, маржон қоялардан баҳраманд бўлишдир. Кўплаб қадимий ёдгорликлар, мачитлар, эски қабрлар ва португал қалъалари Фужайранинг қадимий тарихини акс эттиради. Бу ерда ўтказилган археологик қидирув ишлари 500 йилдан ҳам кўп тарихга эга бўлган қадимий қурилмалар – қаср, қалъа ва минораларга ишора қилади. Форт Фужайра (Fujairah Fort) – бу 1670 йилда қурилган, эски шаҳарнинг марказида жойлашган катта қаср. Ал Хайл Форт (Al Nail Fort) – 270 - 300 йил аввал қурилган бўлиб, шаҳардан 12 км жануби- ғарбда жойлашган. Фужайра музейида (Fujairah Museum) турли даврларга мансуб ноёб ёдгорликлар, шунингдек, амирликнинг анъанавий хунармандчилик буюмлари мавжуд. Пойтахтдан 38 км шимолда Бидиях мачити (Bidiyah Mosque) – 1600 йилларда қурилган бўлиб, БААнинг энг қадимий мачити ҳисобланади. Туристларнинг шаҳардан 20 км жануби – ғарбда жойлашган Айн Гомур (Ain Ghomour Hot Spring) иссиқ булоғига қизиқишлари ортиб бормоқда. Ажойиб табиий ландшафтлар, булоқнинг шифобахш суви бод ва тери касалликларини тузалишига ёрдам бериши кўплаб туристларни жалб қилмоқда. Фужайрадан 32 км шимолда жойлашган Ал Вария воҳаси ўзининг шаршаралари, минерал булоқлари билан муҳим аҳамият касб этади.

Фужайранинг меҳмонхоналари ўзига хос бежиримлиги ва бинонинг ички безаги ҳам замонавий, ҳам араб услубларида қилинганлиги билан ажралиб туради. Меҳмонхона ишчилари жуда ҳам мулойим ва эътиборли.

Меҳмонхона инфраструктураси баъзи меҳмонхона ва юқори даражадаги мотеллар билан тақдим этилади. Улар ичида беш юлдузли «Meridien Al Aqah Beach Resort» меҳмонхонаси юқори ўринни эгаллайди.

Фужайрада туризм ривожланишининг салбий жиҳатлари –Дубайдан узокда жойлашгани, халқаро аэропортнинг йўқлиги, камтарин меҳмонхона базаси ҳамда кўнгилочар инфраструктуранинг ривожланмаганлиги ҳисобланади.

2.2 жадвал

2000-2010 йилларда БААда халқаро туризм сальдоси (АҚШ доллари)

Йиллар	Халқаро туризм даромадлари	Халқаро туризм харажатлари	Халқаро туризм сальдоси
2000	1,063,000,000	3,019,000,000	-1,956,000,000
2001	1,200,000,000	3,321,000,000	-2,121,000,000
2002	1,332,000,000	3,651,000,000	-2,319,000,000
2003	1,438,000,000	3,956,000,000	-2,518,000,000
2004	1,593,000,000	4,472,000,000	-2,879,000,000
2005	3,218,000,000	6,186,000,000	-2,968,000,000
2006	4,972,000,000	8,827,000,000	-3,855,000,000
2007	6,072,000,000	11,273,000,000	-5,201,000,000
2008	7,162,000,000	13,288,000,000	-6,126,000,000
2009	7,352,000,000	10,347,000,000	-2,995,000,000
2010	8,577,000,000	11,818,000,000	-3,241,000,000

Манба: World Tourism Organization (UNWTO), Yearbook of Tourism Statistics

Ҳозирча халқаро туристик даромадлар харажатларни қопламаяпти. Жадвалдан кўриш мумкинки, туризм фойдадан кўра зарарга ишламоқда. Кетма- кет БААнинг халқаро туризмида салбий сальдо кузатилмоқда. БАА ҳукумати томонидан инфраструктурани ривожлантиришга йўналтирилган катта маблағлар ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмай қўймайди. Буларнинг барчаси мамлакатга туристлар кириб келишини фаоллаштиради ва кейинчалик даромадларни ошишига ҳам олиб келади.

Айтиш мумкинки, Бирлашган Араб Амирликлари халқаро туризмнинг бешиги бўлди. БАА хорижий мамлакатлар тажрибасидан самарали

фойдаланиб, жаҳон туризм марказига айланган мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллади. Умуман олганда, БААнинг туризмдаги фаолияти бошқа мамлакатларга нисбатан кам фарқланади.



2.4-расм. 2.2 жадвал асосида тузилган даромад ва харажатлар динамикаси
Манба: World Tourism Organization (UNWTO)

Саёҳат қилаётган туристлар БААдан шиддат билан ривожланишни талаб қилди: меҳмонхоналар, савдо, транспорт ва саноатнинг ривожланиши бунинг яққол исботидир. БАА ўзининг географик жihatдан қулай ерда жойлашганлиги, қулай иқлим шароити, тарихий жойлари, ривожланган инфраструктураси, турли хил мақбул хизматлари билан халқаро туристлар оқимини ўзига жалб қилиб келмоқда ва келажакда туристик ташрифларни янада кўпайтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

2.2. БААда халқаро туризм бозори сегментлари

БААда халқаро туризм бозорини сегментлаш орқали туристларни алоҳида белгиларига қараб гуруҳларга бўлиш мумкин. Уларнинг ҳар бири учун бир хил ёки ўхшаган хизмат турлари талаб этилиши мумкин бўлади. Туристлик бозорни сегментлашдан асосий мақсад ҳам шунда, зеро туристларга хизмат кўрсатаётганда уларнинг талаби аъло даражада қондирилмаслиги мумкин. БАА ҳозирги кунда халқаро туризм бозорининг рақобат курашида муваффақиятга эришаётганлигидан келиб чиққан ҳолда, уни туристларнинг алоҳида белгиларига қараб ёндашаётганлиги самарали

кечмоқда десак муболаға бўлмайди. БААда халқаро туризм бозорини сегментлашни қуйидаги асосий белгилар орқали кўриб ўтамиз:

- географик;
- демографик;
- ижтимоий-иқтисодий;
- психографик;
- хулқий (хатти-ҳаракат, яшаш тарзи).

БАА туризм бозорини *географик белгилар* бўйича сегментлаётганда туристларнинг у ёки бу ҳудудда яшашлари билан белгиланадиган бир хил ёки ўхшаш афзалликларини кўзда тутмоқ лозим бўлади. Географик сегмент сифатида қандайдир тарихий, сиёсий, миллий ёки диний бирликка эга бўлган бутун бир мамлакат, мамлакат гуруҳлари кўриб чиқилиши мумкин.

Масалан, БААга МДХ мамлакатларидан ташриф буюрган туристларни кўриб чиқишимиз мумкин.

2.4 жадвал


2011 йилда Дубайга МДХ дан ташриф буюрган туристлар

№	Мамлакат	Меҳмонхона	Меҳмонхона апартаментлари	Жами
1	Россия	230497	25249	255746
2	Қозоғистон	57738	10002	67740
3	Украина	48494	6026	54520
4	Озарбайжон	32271	4967	37238
5	Ўзбекистон	21135	4753	25888
6	Туркменистон	14276	1646	15922
7	Арманистон	11685	1735	13420
8	Қирғизистон	6505	1730	8235
9	Тожикистон	6220	1257	7477
10	Белоруссия	5375	1257	6632
11	Латвия	2676	373	3049
12	Молдовия	1752	488	2240
13	Литва	1587	468	2055
14	Эстония	1449	288	1737
	Жами МДХ мамлакатлари	449139	61713	510852

Манба: Department of Tourism and Commerce Marketing

Бу туристларни бир-бирига боғловчи бир-қанча унсурлар бор: урф-одатлар, озиқ-овқат истеъмоли бўйича, кийиниш маданиятида ва бир қанча ўхшашликлар кўп. МДХ мамлакатлари ичида Россия туристларининг улуши катта. Россиялик туристлар БААга асосан янги йил байрамини нишонлаш учун ташриф буюрадilar. 2011 йилда Россиядан Дубайга ташриф буюрган туристлар 255746 кишини ташкил этган. Туристлар оқими бўйича 2 ўринда Қозоғистон, 3 ўринда Украина ва Ўзбекистон Озарбайжондан сўнг 5 ўринда турибди.

МДХ мамлакатларидан ташриф буюрган туристларнинг йиллар бўйича ўзгариш динамикасини 2.5 расмда кўришимиз мумкин. Ўзбекистон, Россия ва Озарбайжон мамлакатларидан туристлар оқими йилдан йилга ўсмоқда. 2009 йилда ушбу мамлакатлардан туристларнинг ташрифи Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози даврида кескин пасайган. Россиядан 2008 йилда 294623 турист ташриф буюрган бўлса, 2009 йилда 183308 турист БАА га келди. Молиявий инқироз даврида Туркменистондан ташриф буюрган туристлар оқими 3 баробар кўпайди, 5884 туристдан 16230 туристга етди. Туристларнинг ўзгариш динамикасини қуйидаги расмда кўришимиз мумкин.



2.5 расм. 2002-2011 йилларда Дубайга МДХ дан ташриф буюрган туристларларнинг ўзгариш динамикаси.

Демографик белгилар бўйича БАА туризм бозорини сегментлайдиган бўлсак, туристларнинг жинси, ёши, оиладаги аъзолари сони бўйича ўрганиш

мумкин. Чунки ёшга қараб ҳам турлича туристик маҳсулот таклиф этилиши
ЛОЗИМ.

2.5 жадвал

2002-2011 йилларда Дубайга МДХ дан ташриф буюрган туристлар

Мамлакат	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011
Арманистон	4021	5440	8317	10565	13015	25529	24669	16656	12178	13420
Озарбайжон	4601	8033	10035	17545	15848	18117	22161	22153	38672	37238
Белоруссия	401	770	1283	1999	9267	2890	4842	4610	4591	6632
Эстония	1609	613	79	315	1152	1310	1412	1684	1516	1737
Қозоғистон	5957	9618	20711	25062	36566	55142	59460	55698	63218	67740
Қирғизистон	755	1998	2529	1615	3318	7652	9466	8407	8213	8235
Латвия	95	106	172	728	1914	3228	2947	2287	3501	3049
Литва	111	32	248	1059	772	1042	1462	1215	1708	2055
Молдовия	119	451	1136	1246	1547	1640	1868	1968	2086	2240
Россия	222269	259081	286120	288830	276921	286162	294623	183308	209381	255746
Тожикистон	811	7181	7965	6033	6251	8244	7946	5168	7447	7477
Туркманистон	2752	1303	9391	5476	5792	7389	5884	16230	14040	15922
Украина	4471	7709	31494	40119	25555	23978	40987	39283	42791	54520
Ўзбекистон	9175	24034	24003	17102	18394	21817	24690	20251	25106	25888
Жами МДХ мамлакатлар	257147	326369	403483	417694	416312	464140	502417	378918	434448	501899

Манба: Department of Tourism and Commerce Marketing

БАА халқаро туризмида қуйидаги сегментларни белгилаб олиш
мумкин:


- ўзлари ҳамда ота-оналари билан саёҳат қилувчи болалар (14 ёшгача);
- ёшлар (15-24 ёш);
- асосан, оилалари (болалари) билан саёҳатга чиқувчи, нисбатан ёш, иқтисодий фаол кишилар (25-44 ёш);
- асосан, фарзандларисиз саёҳат қилувчи ўрта ёшдаги иқтисодий фаол кишилар (45-60 ёш);
- "учинчи ёш" гуруҳига кирувчи туристлар (60 ёш ва ундан юқори).

БААда болаларга жуда яхши имкониятлар яратилган. Дунёдаги энг катта диснейленд ҳам БААда жойлашган. БАА меҳмонхоналарида болаларга нисбатан имтиёзли нархлар ёки баъзи текин хизматлар тақдим этилади.

15-24 ёшдаги туристлар асосан Дубайда дам олишни афзал кўрадилар. Чунки бу ёшдагилар барлар, дискотекалар, конкурслар ва бошқаларга кизиқадилар. Бундай хизматлар БАА бўйича асосан Дубай амирлигида тақдим этилади.

БАА туристларининг катта қисмини 25-44 ёшлар атрафидаги сайёҳлар ташкил этади. БАА оилавий туризм учун жуда қулай ҳисобланади. БААга Европа мамлакатларидан оилавий дам олишга келадилар.

45-60 ёшли туристлар асосан араб мамлакатларидан ташриф буюрадилар. Ушбу ёшдаги туристлар шинамлик ва қулайликка, ўзларининг профессионал қизиқишларига мос келувчи жойлар билан танишиш ҳамда мазмунли саёхат дастурларига юқори талаблар қўядилар. 2011 йилда Миср, Ироқ, Иордания, Ливан, Фаластин, Сомали, Судан, Сурия ва Яман каби мамлакатлардан жами 700 мингга яқин туристлар ташриф буюрди. Мисрдан ташриф буюрган туристлар 149130 кишини ташкил этди. Қуйидаги расм орқали кўришимиз мумкин.




2.6 расм. 2011 йилда БААга баъзи араб мамлакатларидан ташриф буюрган туристлар
Манба: Department of Tourism and Commerce Marketing

60 ёшдан юқори туристлар 2002-2011 йиллар оралиғида асосан Узоқ Шарқ мамлакатларидан ташриф буюрдилар. "Учинчи ёш" туризми нафақат

шинамлиқ талаб этади, балки хизмат кўрсатувчи ходимлар томонидан юқори даражали эътибор билдирилишини, малакали тиббий ёрдам олиш имкониятини, ресторанларда пархез овқатларнинг ҳам бўлишини, тинч жойларда жойлашган меҳмонхоналарда ўрнашиш имкониятлари бўлишини ҳам талаб этадилар. Бундай туристлар асосан ёз ойидан ташқари бошқа ойларда саёҳат қиладилар. Қарияларга одам кам бўладиган жойлар кўпроқ ёқади. Узоқ Шарқ мамлакатларидан 2011 йилда БАА га 600 мингдан ортиқ туристлар ташриф буюрдилар. Энг кўп туристлар Хитойдан ташриф буюрди, яъни 193791 киши, Тайвань ва Гонг Конг билан биргаликда 200 минг туристдан ортади (2.7 расм).

Шуни таъкидлаш лозимки, ушбу "учинчи ёш" гуруҳ туристларида туристик саёҳат вақтини танлашда таътил даври билан чегараланиш муаммоси учрамайди. Улар йилнинг исталган пайтида (июль-августдан ташқари) саёҳат қиладилар.



2.7 расм. 2011 йилда БААга баъзи Узоқ Шарқ мамлакатларидан ташриф буюрган туристлар

Манба: Department of Tourism and Commerce Marketing

Психографик сегментлаш туристларни тавсифлашнинг бутун бир мажмуини бирлаштиради. Умуман олганда у "ҳаёт тарзи" тушунчаси билан акс эттирилади. Бу шахснинг қизиқишлари, ҳатти-ҳаракатлари, фикр-

мулоҳазалари (дунё қарашлари, ғоялари) бошқа инсонлар билан бўлган муносабатлари ва шу қабиларни акс эттиради.

2012 йилнинг 8 ойлиги давомида Абу Даби амирлигига туристларнинг оқими ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15% ошди. 2012 йилда амирликка ташриф буюрган туристлар 2,3 млн кишини ташкил этди.

Абу Даби меҳмонхоналарида дам олган туристлар 1,5 млндан ошди ва меҳмонхона даромадлари 770 млн АҚШ долларига етди.

Абу Даби туризм ва маданият бошқармаси (TCA Abu Dhabi) бош директори Муборак Ал Мухайри бу вазиятни қуйидагича изоҳлади: “Ишончим комилки, бир қатор тадбирларнинг ўтказилиши давомида туристлар оқими янада кўпаяди. Уюштириладиган тадбирлар қаторига Абу Дабида ИдФест, Etihad Airwaysдан Абу Даби Гран При Формула 1 ва Абу Даби Арт қабилар ўрин эгаллаган. Бундан ташқари “Сув олами Яс” (Yas Waterworld Aqua Park) аквапаркининг очилиши режалаштирилган”.

Абу Дабида ўтказиладиган автопойгалар кўплаб қизиқувчан туристларни ўзига жалб қилади. Биргина юқорида санаб ўтилган тадбирларнинг ўтказилиши туфайли Абу Дабига 2012 йилда ташриф буюрган россиялик туристларнинг миқдори ўтган йилга нисбатан 39% га ошди ва 2012 йил январь-август ойлари давомида 10889 кишини ташкил этди.

2012 йилда Абу Дабига ташриф буюрганлар ичида Буюк Британия етакчи ўринни эгаллади, ундан сўнг Ҳиндистон ва 3 ўринда Германиядан ташриф буюрган туристлар бўлди²⁷.

Хулқ-атвор, ҳатти-ҳаракат белгилари бўйича БАА туризм бозорини сегментлаганда туристларнинг ҳатти-ҳаракатлари: туризм сафаридан мақсади, туристик маҳсулотни харид этишга тайёрлиги, хизмат кўрсатишга бўлган сезгирлиги, мавсумийлик, саёҳат шакли, фойдаланиладиган транспорт воситалари, саёҳатнинг давомийлиги ва шу қаби турли жиҳатларни ҳисобга

²⁷ www.tourinfo.ru, 28 september 2012 № 657301

олган ҳолда ёритиш мумкин. БААга ташриф буюрадиган туристлар асосан кўйидаги мақсадларни кўзлайдилар:

- Дам олиш;
- Бизнесга оид ишлар;
- Даволаниш ва бошқалар.

Масалан, БААга туристлар диний зиёрат этиш ёки қариндошларини кўришга ташриф буюрмайдилар. Рамазон пайтида, хайит байрамларида мусулмон давлатларидан туристлар оқими камаяди. Кўпинча ФКАМҲК давлатларидан рамазон байрамларини нишонлаш учун туристлар ташриф буюрадилар.

ФКАМҲК давлатларидан туристларнинг БААга келишларининг асосий сабаби бўлиб, мамлакатларнинг яқинлиги ва рамазон ҳамда қурбон хайити байрамларида ишчиларга 4-5 кун дам берилиши ҳисобланади.

2.6 жадвал

2011 йил Дубай меҳмонхоналарига араб мамлакатларидан ташриф буюрган туристлар

Мамлакат	Меҳмонхона	Меҳмонхона апартаментлари	Жами
Жами Араб мамлакатлари	2377681	858922	3236603
БАА	708915	257914	966829
Бошқа ФКАМҲК	1123597	460358	1583955
Баҳрайн	74377	16861	91238
Кувайт	191950	81303	273253
Омон	175627	48366	223993
Қатар	81184	41135	122319
САП	600459	272693	873152
Бошқа араб мамлакатлар	545169	140650	685819

Манба: Department of Tourism and Commerce Marketing

Масалан, 2012 йилнинг август ойида Абу Дабига ташриф буюрганлар ўтган йилга нисбатан 58%га кўпайди. Меҳмонхоналарнинг бандлиги 4% га ошиб, 55 %ни ташкил қилди. Меҳмонхоналарнинг даромади 61,6 млн АҚШ долларига етди. Абу Даби туризм ва маданият бошқармаси бу ҳолатни

ойнинг охирида нишонланган Ийд ал-Фитр байрами туфайли кузатилганини тушунтириб ўтди.

Расмий статистикага биноан 2012 йилги рамазон байрамларида Дубай амирлигига 150 мингга саудиялик туристлар ташриф буюрдилар. Дубай ҳукуматининг маълумотларига кўра, 2012 йилнинг биринчи ярмида Дубайда 554 минг саудияликлар дам олишди. Жадвалдан кўриниб турибдики бутун 2011 йил давомида САПдан 874 мингга яқин киши ташриф буюрган. 2012 йилда ўтган йилга нисбатан туристлар оқими 40% га ошган.

Шуни таъкидлаш лозимки, 2011 йилда Дубайга ташриф буюрган туристлар ичида саудияликлар 9,6% ни ташкил этди²⁸.

2.7 жадвал

2011 йил Дубай меҳмонхоналарига ташриф буюрган туристлар (ойлар бўйича)

Ойлар	Меҳмонхона	Меҳмонхона апартаменти	Жами
Январь	647919	161163	809082
Февраль	618200	194302	812502
Март	582152	177725	759877
Апрель	628464	171218	799682
Май	567967	122425	690392
Июнь	582258	131226	713484
Июль	674053	165615	839668
Август	408365	88998	497363
Сентябрь	587869	131157	719026
Октябрь	633528	150216	783744
Ноябрь	666547	172886	839433
Декабрь	665408	165909	831317
Жами	7262730	1832840	9095570

Манба: Department of Tourism and Commerce Marketing

БАА га ташриф буюрувчи туристлар оқимини асосий мавсум, мавсумлар оралиғи, ойлар ва фасллар бўйича таҳлил қилиш ҳам мумкин(2.7-жадвал).

2011 йилда Дубайга туристик ташрифлар асосан июль, ноябрь ва декабрь ойларида амалга оширилган. Шу ойларда меҳмонхоналарнинг бандлиги 73% ни ташкил этди.

Халқаро туризм бозорини сегментлашда “саёҳатнинг давомийлиги” ҳам муҳим аҳамият касб этади. Қисқа турларни амалга оширадиган

²⁸ www.russianhome.com, 28 october 2012 № 681224

туристлар нисбатан кўпроқ харажат қилишга тайёр бўладилар. Туризмни амалга ошириш муддати қисқа ва узун бўлиши мумкин.

2012 йилда Абу Даби амирлигида меҳмонхоналарда россиялик туристларнинг тунаб қолиши 104,956 кечани ташкил этди, бу ўтган йилга нисбатан 46% га кўп²⁹. Бир ой давомида эса Россиядан ташриф буюрадиган туристларнинг ўртача туриш муддати 5,71 кунни ташкил этди. Абу Дабида 2012 йилда туристларнинг ўртача тунаши 2,8 кечани ташкил қилган³⁰.

Ҳар бир мамлакат туризм бозорида сегментлашни амалга ошириши лозим. Туристларни у ёки бу белгисига қараб умумлаштириб, уларга манзур бўладиган туристик маҳсулотларни тақдим этиш мумкин. Бундай ёндашув нафақат мавжуд талабни қондирибгина қолмай, балки уни шакллантириш имконини ҳам беради.

БАА ҳам ҳозирги кунда халқаро туризм бозорида етакчи ўринни эгалламоқда. Бутунжаҳон саёҳат ва туризм форумининг маълумотларига мувофиқ, БАА туризм соҳасининг рақобатбардошлиги бўйича 139 мамлакат ичида 30-ўринни эгаллади³¹.

2.3. Туризм ривожланиши бўйича БАА тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари

Иқтисодиётнинг ривож ва мамлакат ЯИМ ҳажмининг ўсишида туризмнинг, хусусан, халқаро туризмнинг ўрни бекиёс. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида давлат бюджетининг катта қисми айнан халқаро туризм орқали келган даромаддан шаклланади. 2012 йилда БАА ЯИМининг 13,7 % ини туризм иқтисодиёти, 6,6% ини эса туризм индустрияси ташкил этди. Ўзбекистонда ҳам туризмни ривожлантириш ва шу йўл билан юртимиз иқтисодий имкониятини ошириш бўйича катта имкониятлар мавжуд. Жаҳон

²⁹ www.tourinfo.ru, 28 january 2013 № 750831

³⁰ www.russianhome.com, 8 august 2012 № 623783

³¹ World Economic Forum, "The Travel & Tourism Competitiveness Report", 2013

тажрибаси ҳар тўртта турист битта янги иш ўрни яратишини кўрсатмоқда. Жумладан 2012 йилда БААда ҳар 1000 кишидан 404 таси туризм иқтисодиётида ва ҳар 1000 кишидан 173 таси туризм индустриясида банд бўлди. Янги иш ўринларини яратиш масаласи жуда долзарб аҳамият касб этиши табиий. Хўш, бугун шу имкониятлардан қай даражада фойдалана олаёلمиз?

Таъкидлаш керакки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда жаҳон стандартларига мос туризм соҳасини шакллантириш, соҳада халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиётимизда туризмнинг ролини ошириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси ва БАА ўртасида 1992 йил 25 октябрда ўзаро дипломатик алоқалар ўрнатилган эди. Шу йили ноябрь ойида юртимизнинг Дубай шаҳридаги консулхонаси очилиб, унга 1994 йилда Бош консулхона мақоми берилди. Ўз навбатида, 2006 йилнинг январь ойидан БААнинг Ўзбекистон Республикасидаги Бош консулхонаси иш бошлади.

1992 йилдан буён мамлакатларимиз ўртасида мунтазам ҳаво қатнови йўлга қўйилган ва “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси томонидан Тошкент - Шаржа –Тошкент йўналиши бўйлаб парвозлар амалга оширилмоқда. 2008 йил 7 мартда эса “Ўзбекистон ҳаво йўллари”нинг пойтахтимизни БААнинг туристик маркази бўлган Дубай шаҳри билан боғловчи йўналишда биринчи рейс амалга оширилди ва бугунги кунга қадар Тошкент - Дубай –Тошкент йўналишида самолётлар қатнамоқда³².

2008 йил 17 март куни Абу Даби шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан БАА Ҳукумати ўртасида туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битим имзоланди. Шу билан бирга ушбу йилнинг 18 март куни “Ўзбектуризм” миллий компанияси билан Дубай амирлигининг “Arabian Odyssey” компанияси ўртасида агентлик битими имзоланди.

2008 йил 17–18 мартда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг БААга юксак даражадаги ташрифи натижалари бўйича 2008 йил 24 мартда

³² www.mfer.uz БАА билан халқаро ҳамкорлик алоқалари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори (ПҚ–820 сонли) қабул қилинди³³. Бундан ташқари, 2009 йил 5 март куни “Ўзбектуризм” миллий компанияси билан БАА нинг “Planet Tours” компанияси ўртасида агентлик битими имзоланди³⁴.

Ўзбекистондаги қулай сармоявий муҳит мамлакатимизда БАА сармояси миқдорини кўпайтириш учун яхши омилдир. Бунда асосан туризмни, шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш соҳаларига эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади. БАА сармоядорлари Ўзбекистонда кенг давом этаётган хусусийлаштириш жараёнида иштирок этишдан манфаатдор.

Ўзбекистон ва БАА туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга мамлакатлардир. Ўзбекистон ва БАА катта иқтисодий салоҳиятга эга давлатлардир. Ўзбекистоннинг табиий бойликлари, географик жойлашуви, интеллектуал салоҳияти, қулай сармоявий муҳити, замонавий технологияларни изчил ўзлаштириб бораётгани ҳар қандай мамлакатнинг юртимиз билан ҳамкорликка қизиқишини орттириши табиий.

Ўзбекистон 1993 йили Бутунжаҳон туристик ташкилотига аъзо бўлган эди. Шу вақтга қадар Президентимизнинг соҳани такомиллаштириш ва бу йўналишда замонавий инфратузилмани шакллантиришга қаратилган 4 та фармони ва ҳукуматнинг 17 та қарори қабул қилинди. Уларни амалга ошириш натижасида туризмнинг янги йўналишлари юзага келди. Замонавий меҳмонхоналар қад ростлади, қадимги тарихий обидалар ва қадамжолар қайта таъмирланди, янги йўллар барпо этилди³⁵.

Мамлакатимизда туризм статистикасини юритиш ҳам бугунги кун талабларига жавоб бермаяпти. Натижада туристлар келиши бизнинг мамлакатимизга нисбатан анча кам бўлган давлатлар бўйича ҳисоботларда анча кўп кўрсатилаяпти. Бу эса туризм соҳасига хорижий инвестицияларни жалб этишга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

³³ www.jahonnews.uz БАА ва Ўзбекистон ўзаро ҳамкорлигининг янги саҳифаси

³⁴ http://uzbektourism.uz/uz/international_activity/vakilliklararo-tuzilgan-bitimlar.html

³⁵ www.old.uzbekistonovozi.uz

Бундан ташқари, туризм инфратузилмасини ривожлантириш, соҳага халқаро стандартларни жорий этган ҳолда Ўзбекистон миллий стандартларини ишлаб чиқиш, хизмат кўрсатиш соҳасини янада яхшилаш масалалари олдимизда турибди.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, халқаро туризм бозорини ривожлантириш ва унинг фаолиятни юқори даражага олиб чиқиш ўзига хос мураккаб жараёндир. Халқаро туризмда назоратсизлик, ўзибилармончилик бу жараён ривожига зиён етказди. Халқаро туризмда етакчи бўлиб келаётган БААда туристик фаолиятнинг айрим йўналишлари ҳукумат томонидан тўғридан-тўғри ёки билвосита сиёсий-расмий бошқарилиб, аниқ мақсадга йўналтириб турилади. БААнинг ҳар бир амирлигида туризм соҳасини тартибга солувчи бошқарма ва ташкилотлар мавжуд. Дубайда туризм масалалари бўйича Туризм ва тижорат маркетинг Департаменти (DTSM) масъул ҳисобланади. БАА бош вазири Муҳаммад бин Рашид Ал Мақтум “Туризм - бу хизматларнинг катта мажмуи бўлиб, бир Бошқарма якка ўзи унинг ривожланишига масъул бўла олмайди. Иқтисодиётни мустаҳкамлаш мақсадида ушбу режаларни амалга ошириш учун давлатнинг бошқа ташкилот ва компаниялари ҳам иштирок этиши зарур”, - деб айтиб ўтди³⁶.

Юртимизга халқаро туристларни жалб этиш имконияти, мамлакатимизнинг туристик салоҳияти жуда катта. Аммо бугун бундан етарли даражада фойдалана олмаяпмиз. Бунинг учун қатор масалаларни ҳал этиш талаб этилмоқда. Аввало соҳага оид қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий асосни такомиллаштириш, мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилаш ҳамда улар малакасини ошириб бориш тизимини такомиллаштириш зарур.

Аэропортларда сервисни яхшилашга алоҳида эътибор бериш лозим. Халқаро туризмда ушбу сервис ўз ичига туристлар учун хизматларнинг бутун бир мажмуасини олади. 2012 йилда Дубай ҳукумати амирликка ташриф буюраётган туристлар оқимининг аэропорт сервисини билан боғлиқ

³⁶ www.alittihad.ae МСнПЙ 363КНЗП “дгж ЮШЗЪ 36ЦнЗЭЙ Эн 36ЕгЗСЗК” 2012 йил 8 октябрь

талабларини қондириш мақсадида Дубайда 7,8 млрд АҚШ доллари миқдоридаги аэропортнинг кенгайтирилиши лойиҳасини эълон қилди³⁷.

Ўзбекистон учун ҳам туризм тизимида рақобатбардошликни оширишда аэропорт сервисини ривожлантириш муҳим ҳисобланади.

Республика туризм салоҳияти ихтиёрида бўлган захиралар ҳозирча “жаҳон стандартлари”га жавоб бера оладиган туризм салоҳиятини барпо қилиш учун сарфланадиган зарур маблағлар ва инвестициялар йўқлиги сабабли фойдаланилмай турибди.

Туристлар оқимини жиддий четлаб қўяётган омиллардан яна бири шуки, туристлар Ўзбекистондаги энг машҳур ёдгорликлар ва бутун шаҳар қурилиш ансамблларини томоша қилиш учун келадилар. Аммо бу объектларнинг туристларни қабул қилиш имконияти ниҳоятда пастдир. Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши билан хизматларнинг сифати ва номенклатурасига, туризм экскурсия хизматлари кўрсатишнинг турли шакл ва усулларига қўйиладиган янги талаблар БААнинг тажрибасидан фойдаланиб амалга оширилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

БАА ҳозирги кунда туризмнинг замонавий инфраструктурасини, шу жумладан, транспорт, телекоммуникация, ахборот хизматлари кабиларга инвестициялар киритмоқда. БАА ҳукумати томонидан инфраструктурага киритилаётган инвестициялар ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмай қўймайди, бу омилларнинг барчаси мамлакатга туристлар кириб келишини фаоллаштиради ва ўз ўрнида меҳмонхоналарга бўлган талабни оширади.

Биз ҳам инвестицияларни туризм соҳасига жалб қилиб, қуйидагиларни амалга оширишимиз лозим:

- жаҳон андозалари, хусусан, БАА даражасида кичик ва ўрта меҳмонхоналар тармоғини шакллантириш;
- сайр-томошалар замонавий индустриясини, маданий ва спорт-соғломлаштириш марказларини барпо этиш;

³⁷ Benchmarking UAE Tourism, Market Monitor Series, Data Management & Business Research 2012

– ноёб туризм имкониятлари ва тарихий-маданий меъроснинг кенг кўламда тарғиб қилиниши ва сақланишини ташкил этиш.

БААнинг Абу Даби амирлигида ҳар йили спортсевар туристларни жалб этиш мақсадида кўплаб мото ва авто пойгалар ўтказилади. Юртимизда ҳам сўнгги йилларда бокс, ўзбек миллий кураши, теннис бўйича жаҳон миқёсида улкан чемпионатлар ўтказилмоқда. Халқаро туризмни ривожлантиришда бу омилларни ҳам назардан четда қолдирмаслик лозим. Чунки бу тадбирлар кўпгина хорижий мамлакатлардан туристлар келишига олиб келмоқда.

Туризм инфраструктурасининг ажралмас қисми бўлган меҳмонхоналардаги хизмат баҳоси бозор талабининг юқори ёки пастлигига қараб фарқланиши мумкин. Бу тафовутнинг шартлари ва меъёрлари нарх-наво сиёсати орқали аниқланади, ҳамда улар даромад олишнинг асосий омиллари ҳисобланади. БАА меҳмонхоналарида «сифат-баҳо» шиорига қаттиқ амал қилинади. Шунинг учун туризм хизматининг асосий меъзони бўлган нарх сиёсати Ўзбекистонда ҳам айрим туристик ташкилотлари орқали эмас, балки давлат томонидан доимий равишда назорат қилиб борилиши лозим.

Республикадаги мавжуд меҳмонхоналардаги нархлар баъзи бир сабабларга кўра жаҳондаги ўртача нархлардан юқори бўлиб, туристларнинг меҳмонхоналарга бўлган талабидан юқоридир. Ҳар бир турист шинам, ҳар томонлама яхши жиҳозланган жойни бир кечага 100-120 АҚШ долларига сотиб олишни хоҳлайди. Ўзбекистон меҳмонхоналарида тунаш нархи БАА меҳмонхоналаридан кўра анчайин қиммат. Биздаги меҳмонхоналарда бир кеча тунаш 250-350 АҚШ долларига тўғри келмоқда³⁸. Бу каби муаммоларни бартараф этиш учун республикада сўнгги йилларда меҳмонхоналарнинг замонавий типлари кенг кўламда қурила бошланди. Булар ичида «Интерконтинентал», «Шератон», «Ле-Меридиан», «Грант Мир», «Дедеман», «Тошкент Палас», «Отель Ўзбекистон» меҳмонхоналарини мисол

³⁸ А.Норчаев. Халқаро туризм. Ўқув қўлланма. ТДИУ 2011 й.

қилишимиз мумкин. Бу меҳмонхоналар 4 ва 5 юлдузли бўлиб, халқаро даражага тўлиқ жавоб беради. Ҳозирги вазифа улардаги нархларни қайта кўриб чиқишдир.

Alpen Capital компаниясининг ҳисоботида кўра БААда 2011 ва 2016 йиллар оралиғида туристлар оқимининг кўпайиши натижасида меҳмонхона секторининг ўртача ўсиши 10,4%ни ташкил этади. Ҳисоботда таъкидландики, БААга ташриф буюрадиган туристларнинг сони 2012 ва 2022 йиллар мобайнида йилига 5,3% га кўпайиб боради ва 2016 йилга келиб меҳмонхоналар сони 5,3% га ортиши кутилмоқда. Молия маркази бўлмиш Дубай амирлигида меҳмонхоналарнинг юқори даражада тўла бўлиши 2011 йил 71%дан 2016 йилда 75,1% га етиши башорат қилинмоқда³⁹.

Ҳисоботда туризм саноатида кўнгилочар хизматларга бўлган талаб тенденциясининг ўсиши ва меҳмонхона номерларининг нархи 2011 йилда 183,5 АҚШ долларидан 3,7%га ошиб 2016 йилда 220 АҚШ долларига етиши таъкидланди.

Ҳозирги кунда мамлакатда туристик секторнинг энг кўп ривожланиш динамикасини Дубай кўрсатмоқда. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, ўтган йили амирликнинг меҳмонхоналари Яқин Шарқдаги барча рақобатчилар ичида энг етакчи бўлдилар. 2011 йилда Дубай меҳмонхоналари 81,8 % тўлалиги бўйича рекорд кўрсаткичга эришди.

2011 йилда туризм оқимининг ўсиши Абу-Дабида қайд қилинди : амирликнинг меҳмонхоналари туристларнинг рекорд миқдорини қабул қилдилар. 2,1 млндан ортиқ, 2010 йилга нисбатан 7% га кўп. Бундан ташқари ижобий динамика бир қатор кўрсаткичларда ҳам қайд қилинди, хусусан, ётиб қолишлар миқдори (2010 йилга нисбатан 22% га кўп), меҳмонхоналарнинг тўлалиги (2010 йилга қараганда 7%га кўп) ва ўртача ташриф буюрганлик муддати (3 кеча). Амирлик ахборот хизматининг башоратларига кўра 2012

³⁹ www.alittihad.ae МСнПЙ 363КНЗП“дгж ЮШЗЪ 36ЦнЗЭЙ Эн 36ЕгЗСЗК” 2012 йил 8 октябрь

йилда Абу Дабида 2,3 млн кишидан ортиқ туристлар қабул қилиниши кутилмоқда.

Рас- ул-Хайма амирлиги туристлар оқимининг 40% га ошганлигини кайд этди. 2011 йилда 835 мингдан ортиқ туристларни қабул қилди. Рас- ул-Хайма туризм ривожланиши Бошқармасининг маълумотларига биноан, 2011 йилда қирғоқ бўйи меҳмонхоналардаги тўла бандлик 8,5 %га ошди ва ушбу кўрсаткич шаҳардаги меҳмонхоналарда 2%га ошди. Амирлик ҳокимияти 2013 йилда туристлар оқимини 1,2 млн кишига етказиш ҳамда 2016 йилга қадар меҳмонхона фондининг кенгайишини 2 мингдан 10 мингга яқин хоналар яратиш каби улкан мақсадларни ўз олдига қўйган. Қулай иқлим шароити, деярли барча пляж меҳмонхоналарида “all inclusive” тизими, кўнгилочар инфраструктура (янги Ice Land аквапарки), шоппинг-марказ Дубайгача 40 дақиқа йўл қабилар Рас- ул-Хайма амирлигини жозибадор қилади.

Кўрсатилган тенденциялар орқали БААда туристларнинг туризм йўналишларида йилдан-йилга барқарор сиёсий ва иқтисодий ҳолатни танлаб, ўз ҳаракатларида мобил бўлаётганликларини кузатишимиз мумкин. Туристларнинг дам олиш жойларини танлашда муҳим омиллар сифатида қуйидагиларни ажратиб ўтиш лозим : минтақада инфраструктуранинг ривожланганлиги, хизмат кўрсатишнинг юқори даражаси, дам олиш сифати ва нархининг мувофиқлиги. Шак шубҳасиз бундай хизматлар Ўзбекистонда ҳам яқин йилларда тақдим этилиши муқаррар. Кўплаб халқаро туристлар учун Ўзбекистон доимий туризм йўналиши бўлиб қолиши мумкин.

Alpen Capital ҳисоботида Форс Кўрфази араб мамлакатларининг туризм саноати ҳам кўрилган. Унда меҳмондорчилик саноати самарадорлигини белгилаб берувчи муҳим кўрсаткичлар сифатида меҳмонхона номерларининг сони, сектордаги тенденция ва асосий муаммолар ушбу соҳанинг ривожланиши ва ўсиш истиқболлари билан яқин 5 йилда тўқнаш келиши аниқланган. Alpen Capital компанияси Форс Кўрфази араб мамлакатларида ушбу секторнинг ўсиш суръати йилига 8,1% дан бўлиб, 28,3 млрд АҚШ

долларига етишини башорат қилмоқда. Минтақада 2012 ва 2016 йиллар мобайнида бандлик кўрсаткичи 67%дан 73% га ўсиши тахмин қилинди. Туризм саноати ўсишининг давом этиши минтақада 2012 ва 2016 йиллар давомида 212 ва 247 АҚШ долларлик меҳмонхоналарга талаб ортишига олиб келади.

2.8-жадвал

2002-2011 йилларда БААда меҳмонхоналарнинг бандлик кўрсаткичи, %

Меҳмонхона	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011
Меҳмонхона хоналарининг бандлиги	70	72	81	85	82	84	82	70	70	74
Апартамент хоналарининг бандлиги	69	69	75	80	80	82	79	66	68	74

Манба: Department of Tourism and Commerce Marketing

Ўзбекистонда ҳали хануз меҳмонхоналарнинг тўлалиги тўлиқ таъминланмаган. Тур қиймати ҳам туристлар учун муҳим аҳамият касб этади. БААдаги нисбатан паст нархларни бизнинг меҳмонхоналар тармоғига қўлласак мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Дубай бир неча йил ичида амирликка ташриф буюрадиган туристлар оқимини икки маротаба ошириб, 2020 йилда 20 млн хорижлик меҳмонларни қабул қилмоқчи. Бу ҳақда БАА бош вазири, вице президенти ва Дубай амири бўлмиш Муҳаммад бин Рашид Ал Мактум маълум қилди.

“Биз ушбу мақсадларнинг қанчалик баландпарвоз эканлигини тушунамиз ҳамда уларга эришиш ва амалга ошириш нақадар муҳимлигини биламиз. Ишончим комилки, хусусан, олдинги эришилган натижаларни ҳисобга олган ҳолда туризм ва тижорат маркетинг Департаменти (DTSM) қўйилган масаланинг уддасидан чиқади”, деб шайх Муҳаммад айтиб ўтди⁴⁰.

Шуни таъкидлаш зарурки, охириги ўн йил ичида Дубай туристик оқимлар миқдорини икки баравар оширишга муваффақ бўлди: 2002 йилда

⁴⁰ www.alittihad.ae МСнПЙ 363КНЗП“дгж ЮШЗЪ 36ЦнЗЭЙ Эн 36ЕгЗСЗК” 2012 йил 8 октябрь

амирликка 5 млн турист ташриф буюрган бўлса, ҳозирги кунга келиб уларнинг сони 10 млн кишидан ошиб кетди.

DTSM нинг генерал директори Хилал Ал Маррининг сўзларига кўра, туристларни жалб қилувчи омиллар сифатида Дубайда амалга оширилаётган йирик лойиҳалар бўлади. “Бизда тематик парклар кўпаяди, янги сафари-парк ва янгидан-янги савдо марказлари очилади. Шу билан бирга маданий ва тарихий меъроснинг сақланиб қолиши устида фаол ишламоқдамиз. Яқин йилларда бир қанча янги оилавий кўнгилочар марказларни очишимизни умид қиламан”, деб DTSM бошлиғи айтиб ўтди⁴¹.

Бошқарма яқин келажакда Лотин Америкаси, Хитой ва Африка минтақаларидан туристлар сонини оширишни ва такрорий ташрифларни кўпайтиришни амалга оширмоқчи. Амирликнинг энг олий мақсадларидан бири – 2020 йилда ўз ҳудудида юз минглаб меҳмонларни ўзига жалб қилувчи “Ехро-2020” халқаро кўрғазмасини ўтказиш бўлмоқда. “Кўрғазма бизга барча эришган ютуқларимизни бутун дунёга кўрсатишдек ажойиб имкониятларни беради”, деб Ал Марри ҳисоблайди⁴².

Яна бир мақсад – меҳмонхона фондларининг ўсиши: шуни эслатиш жоизки, бугунги кунда Дубай меҳмонлар учун 599 та меҳмонхона ва муҳташам отелларда 80 мингдан ортиқ номерларни такдим этмоқда ва бу иқтисодиётга 5,13 млрд АҚШ доллари афрофида фойда келтирмоқда. Ушбу кўрсаткични 2–3 марта ошириш режалаштирилган.

Умуман олганда, 2020 йилга қадар Дубай қуйидаги асосий йўналишлар билан ривожланиши кўзда тутилмоқда⁴³:

1. Дубай – оилавий туризмнинг халқаро маркази. Диққатга сазовор жойлар ва кўнгилочар тадбирларнинг кўпайтилиши режалаштирилмоқда.
2. Дубай – глобал кўнгилочар йўналиш, фестиваль ва байрамлар маркази.

⁴¹ www.alittihad.ae “%75ГЪПБЗК ЗБЕФЫЗБ ЗБЭДПЮНЙ КХБ ЕБМ ” 2013 йил март

⁴² www.alittihad.ae “%75ГЪПБЗК ЗБЕФЫЗБ ЗБЭДПЮНЙ КХБ ЕБМ ” 2013 йил март

⁴³ В 2020 году Дубай примет 20 млн туристов, “Аль-Иттихад газета” Наталья Реммер. 04 Май 2013

3. Дубай – ишбилармон туризм ва бизнес юритиш учун энг самарали минтақа.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, БАА жаҳон туризм марказларидан бирига айланган бўлса, Ўзбекистон кўп асрлик маданий ёдгорликлари билан дунёга машхур. Бундай омиллар туризм соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасида катта имкониятлар мавжудлигидан далолат беради.

БААнинг сармоявий салоҳияти, туризм секторида орттирган тажрибаси билан Ўзбекистоннинг имкониятлари бирлаштирилса, юртимизда туризм соҳасида кўплаб ютуқларга эришиш мумкин. Шу ўринда Республикамизда туризм соҳасини янада ривожлантириш учун қуйидаги масалаларга эътибор бериш лозим, деб ҳисоблайман:

1. Ўзбекистоннинг туризм соҳасига инвестицияларни жалб этиш.
2. Инфраструктурани янада тараққий эттириш.
3. Қулай турпакетлар ишлаб чиқиш ҳамда унинг нархларини оптималлаштириш.
4. Меҳмонхонада туристларнинг яшаш харажатларини камайтириш.
5. Ўзбекистонда диққатга сазовор жойларни халқаро доирада реклама қилишни такомиллаштириш.
6. Ўзбекистонда спорт, соғломлаштириш, кўнгилочар ва бошқа туризм турларини ривожлантириш.
7. Ўзбекистонда туризм соҳасини янада ривожлантиришга хусусий сектор вакиллари кўпроқ жалб этиш ҳамда уларга имтиёзлар ва кредитлар ажратиш.
8. Ўзбекистонда халқаро конференциялар ва кўрғазмалар ўтказиш орқали ишбилармонлик туризминини янада ривожлантириш.

ХУЛОСА

“Бирлашган Араб Амирликларида халқаро туризм ривожланишининг замонавий ҳолати ва истиқболлари” мавзусига бағишланган битирув-малакавий иши орқали халқаро туризм ривожланишининг илмий-назарий жиҳатлари ҳамда БААда халқаро туризм ривожланишининг асосий йўналишлари ва истиқболларини таҳлил қилиш натижаси қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди.

1. Мамлакат иқтисодиётида халқаро туризм бир қатор муҳим вазифаларни бажаради:

- мамлакат учун валюта тушумларининг ва бандликни таъминлаш манбаи ҳисобланади.
- тўлов баланси ва мамлакат ЯИМига йўналтирилган капитал қўйилмаларни кенгайтиради.
- туризм соҳасига хизмат кўрсатувчи тармоқларни яратган ҳолда иқтисодиётни диверсификация қилишга ўз ҳиссасини қўшади.
- туризм соҳаси эвазига бандликни таъминлаш билан бир қаторда аҳолининг даромадлари ўсади ва фаровонлик даражаси ҳам ошади.

2. Халқаро туризмдан келиб тушадиган даромадлар миқдори 2011 йилда йўловчи транспорти билан бирга 1.2 трлн. АҚШ долларини ёки умумий товар ва хизматлар халқаро экспортининг 6% ини ташкил қилди. Барча халқаро туристик саёҳатларнинг ўртача 65 фоизи Европага, тахминан 20 фоизи Америкага ва тахминан 15 фоизи қолган минтақаларга тўғри келади.

- Европа минтақаси 2012 йилда халқаро туризм ҳаракатларининг 51,7% ни ташкил этиб, 534,8 миллион хорижий туристларни қабул қилди.
- 2012 йилда халқаро туризм ҳаракатлари бўйича энг кам улуш (5,1%) Африка ва Яқин Шарқ минтақасига тўғри келди. “Араб баҳори” натижасида туризм секторига катта зиён етди. Айниқса, Миср давлатига

ташриф буюрадиган туристлар оқими кескин камайиб кетди. Лекин Яқин Шарқ минтақасида туризмнинг ўсиш кўрсаткичлари САП, БАА ва Қатар мамлакатларида кузатилди.

3. БТТнинг маълумотларига мувофиқ, дунё аҳолисининг 14%и халқаро миқёсда саёҳат қилишади. 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 25%ни ташкил этиши кутилмоқда. Халқаро туризмнинг ривожланиши ва талабнинг бундай суръатларда ўсиши халқаро саёҳатлар сонининг ортишига ҳамда уларнинг сарф-харажатларига таъсир кўрсатади. Саёҳат қилган кишилар сони 2012 йилда 990 млн. кишини ташкил қилган бўлса, 2030 йилга келиб 1.8 млрд. кишини ташкил қилиши кутилмоқда.

4. 2012 йилда жаҳон туризм соҳасида жадал ўсишлар юз берди. 2012 йилда 2011 йилга нисбатан халқаро ташрифлар бўйича 4% га кўпайиш кузатилди. Халқаро туризм тушумлари бўйича 6% га ўсиш қайд этилди. 2011 йилда халқаро туристик ташрифлар бўйича 1 ўринни Франция эгаллади (79,5 млн. киши), халқаро туристик даромадлар бўйича эса АҚШ етакчи бўлди (116,3 млрд. доллар).

5. Барча давлатларни икки категорияга бўлиш мумкин:

– туристларни етказиб берувчи давлатлар. Ушбу давлатларга ўз фуқароларини чет элга чиқариш бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлган, индустрияси ривожланган давлатлар киради.

– туристларни қабул қилувчи давлатлар. Бу давлатлар қаторига ўртача даражадаги иқтисодий ривожланишга эга бўлган ҳамда ривожланаётган давлатлар киради.

6. БАА йилдан–йилга ўзининг барқарор сиёсий ҳолати ва бир нечта омиллар таъсирида халқаро туризм марказларидан бирига айланди:

– Географик жихатдан қулай ерда жойлашганлиги;

– Мавсумий қулай иқлим шароити;

– Юқори даражада инфраструктуранинг ривожланганлиги.

7. БААда туризм саноатининг ривожланишига биринчилардан бўлиб Дубай амирлиги маблағлар ажратган. Айниқса нефт буми даврида ҳукумат нефт долларларини инфраструктурани ривожлантиришга йўналтирган. БААнинг туризм саноатига ажратган маблағлари йилдан йилга кўпайиб борган. Дубай катта маблағларни инфраструктурани ривожлантиришга киритган бўлиб, араб мамлакатлари ичида энг етакчи технологиялари билан ажралиб туради.

8. Дубай шаҳри бир қанча диққатга сазовор жойлари: Дунёдаги энг катта бино – Бурж–Халифа, Скай Дубай чанғи курорти, Дунё архипелаги, Пальма ороллари, Дейра соат минораси, Интернет Сити Дубай, Дубай Марина, Ал Бастакия – қадимий район, Бурж ал–Араб меҳмонхонаси ва бошқалар билан йилдан йилга туристларнинг катта оқимини жалб қилиб келмоқда.

9. 1995-2012 йилларда БААнинг халқаро туризми салбий сальдо кўрсаткичига эга бўлди. Туризмдан тушадиган даромадлар харажатларни қопламаслиги кузатилди:

– БААда 2008 йилда халқаро туризм харажатлари 13,288 млн АҚШ долларини ташкил этган, молиявий иқтисодий инқироз даврида 10,347 млн АҚШ доллари бўлган ва 2010 йилга келиб 11,818 АҚШ долларга етган. 2011 йилда Жаҳон банкининг ҳисоботида кўра халқаро туризм харажатлари бўйича БАА 191 та мамлакат ичида 24 ўринни эгаллаган.

– Жаҳон банкининг ҳисоботида кўра 196 та мамлакат ичида БАА халқаро туризм тушумлари бўйича 31 ўринда ва жаҳонда халқаро туризм даромадлари улуши 0,8 % ни ташкил этади. БААда 1999 йилларда туризмдан тушадиган тушумлар 1 млрдга етмаган эди, 2011 йилга келиб эса туризмдан тушадиган даромадлар 9 млрд АҚШ долларидан ошди.

10. 2011 йилда БААга ташриф буюрган халқаро туристлар виза (Visa) карточкалари орқали 4 млрд. АҚШ доллари миқдорида харажатларни амалга оширдилар. БААда умумий халқаро харажатларнинг 28,7 % ини Буюк

Британия, Россия ва АҚШ туристлари ташкил этди. Уларнинг харажатлари жами 1,2 млрд АҚШ доллариға етди. Буюк Британиядан ташриф буюрган туристлар 489,5 млн АҚШ доллари миқдориди харажатларни амалга оширдилар.

11. БААга ташриф буюрувчи туристлар оқими ошиб бормоқда. Деярли туристик ташрифларда ўсиш тенденцияси кузатилган, фақатгина 1996-1997 ва 2008-2009 йиллардагина бироз пасайиш бўлган. Business Monitor International (BMI) халқаро компаниянинг башоратларига кўра, БААга ташриф буюрадиган туристлар 2012 йилга нисбатан 9 % га ошиб 2013 йилда 9 млн кишига етиши айтилган. Тадқиқотчилар 2020 йилда БААга келадиган туристлар оқими 15 млн кишига етади деб ҳисоблайдилар.

12. БААда халқаро туризм бозорини сегментлаш қуйидаги асосий белгилар орқали амалга оширилди:

- географик;
- демографик;
- ижтимоий-иқтисодий;
- психографик;
- хулқий (ҳатти-ҳаракат, яшаш тарзи).

13. БААга ташриф буюрадиган туристлар асосан қуйидаги мақсадларни кўзлайдилар:

- Дам олиш;
- Бизнесга оид ишлар;
- Даволаниш ва бошқалар.

14. БАА ҳозирги кунда халқаро туризм бозориди етакчи ўринни эгалламоқда. Бутунжаҳон саёҳат ва туризм форумининг маълумотларига мувофиқ, БАА туризм соҳасининг рақобатбардошлиги бўйича 139 мамлакат ичида фахрли 30 ўринни эгаллади.

15. 2012 йилда БАА ЯИМининг 13,7 % ини туризм иқтисодиёти, 6,6% ини эса туризм индустрияси ташкил этди. Ўзбекистонда ҳам туризмни

ривожлантириш ва шу йўл билан юртимиз иқтисодий қудратини ошириш бўйича катта имкониятлар мавжуд. Жаҳон тажрибаси ҳар тўртта турист битта янги иш ўрни яратишини кўрсатмоқда. Жумладан 2012 йилда БААда ҳар 1000 кишидан 404 таси туризм иқтисодиётида ва ҳар 1000 кишидан 173 таси туризм индустриясида банд бўлди.

16. Ўзбекистондаги қулай сармоявий муҳит мамлакатимизда БАА сармояси миқдорини кўпайтириш учун яхши омилдир. Бунда асосан туризмни, шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш соҳаларига эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

17. Халқаро туризмда аэропорт сервиси ўз ичига туристлар учун хизматларнинг бутун бир мажмуасини олади. 2012 йилда Дубай ҳукумати амирликка ташриф буюраётган туристлар оқимининг аэропорт сервисини билан боғлиқ талабларини қондириш мақсадида Дубайда 7,8 млрд АҚШ доллари миқдоридаги аэропортнинг кенгайтирилиши лойиҳасини эълон қилди. Ўзбекистон аэропортларида ҳам сервисни яхшилашга алоҳида эътибор бериш лозим.

18. БАА ҳозирги кунда туризмнинг замонавий инфраструктурасини, шу жумладан, транспорт, телекоммуникация, ахборот хизматлари кабиларга инвестициялар киритмоқда. Чунки туризм соҳасига киритилган инвестициялар мамлакатга туристлар кириб келишини фаоллаштиради ва ўз ўрнида меҳмонхоналарга бўлган талабни оширади. БАА меҳмонхоналарида «сифат-баҳо» шиорига қаттиқ амал қилинади. Бизнинг республикамизда мавжуд меҳмонхоналардаги нархлар баъзи бир сабабларга кўра жаҳондаги ўртача нархлардан юқори бўлиб, туристларнинг меҳмонхоналарга бўлган талабидан юқоридир. Ҳозирги вазифа улардаги нархларни қайта кўриб чиқишдир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, БАА нефтга боғлиқ мамлакат. Ҳозирда асосий масала – иқтисодиётни дивесификация қилишдан иборат. Шу ўринда БАА раҳбарияти мамлакатда халқаро конференциялар, кўргазмалар ўтказиш, инфраструктурани ривожлантиришга катта эътибор

бермоқда. Натижада ЯИМнинг саноат улуши 63%, хизмат кўрсатиш 36%, шундан туризм иқтисодиёти 13% ташкил қилди. Мамлакат раҳбарияти миллий иқтисодиётда туризм ролини янада оширишга катта эътибор қаратмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, таъкидлаш лозимки, Амирликлар томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда ва бу тажриба ривожланаётган мамлакатлар томонидан ўрганилиши мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва ҳукумат қарорлари

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: "Ўзбекистон", 2003.
- 1.2. "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.
Ўзбекистоннинг янги қонунлари. -Т.: Адолат, 2000, 131-140 б.
- 1.3. "Ўзбектуризм" МКсининг ташкил топиши тўғрисида"ги
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // "Халқ сўзи", 1992 йил
27 июль.
- 1.4. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг 2005 йилгача бўлган
давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг
15.04.1999 йилдаги ПФ-№2286 фармони. //Халқ сўзи, №74. 1999. 16 апрель
- 1.5. "Туристик ташкилотларнинг фаолиятини такомиллаштириш
тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг № 346
сонли 8 августда қабул қилинган Фармойиши. // "Халқ сўзи" газетаси, 1998
йил 9 август.
- 1.6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28
октябрдаги 233-сонли "Араб мамлакатлари билан икки томонлама
ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча тадбирлар режасини
тасдиқлаш бўйича" номли Қарори.
- 1.7. Ўзбекистон Республикасининг "Ташқи иқтисодий фаолият
тўғрисида"ги Қонуни. "Халқ сўзи" газетаси, 2000 йил 13 июнь.
- 1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб
чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан
қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январь, ПҚ-1041-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

- 2.1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. - Т.:
"Ўзбекистон", 1992. – 74 б.

2.2.Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1993. - 66 б.

2.3.Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995. - 269 б.

2.4.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997. - 326 б.

2.5.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда.–Т.: “Ўзбекистон”, 1999. - 48 б.

2.6. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005. – 96 б.

2.7. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. /И.А. Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

2.8. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. /И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

2.9. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. /И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.

2.10. Каримов И.А. 2012-йил Ватанамиз тараққиётини янги бошқичга кўтарадиган йил бўлади //2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. - “Халқ сўзи”, 2012, 20 январь.

2.11. Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир //Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги

маърузани ўрганиш бўйича ўқув кўлланма. –Т:Ўқитувчи, 2013. – 128 б.

3. Китоблар ва монографиялар

3.1. География туризма: учебник / кол. авторов; под ред. А. Ю. Александровой. - М.: КНОРУС, 2008. - 592 с.

3.2. Жулидов С.Б. The Travel and Tourism Industry: учеб. пособ. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. - 207 с.

3.3. Квартальнов В.А. Туризм: учебник. - 2-е изд., перераб. - М.: финансы и статистика, 2007. - 336 с.

3.4. Косолапов А.Б. Туристское страноведение. Европа и Азия: учебно – практическое пособие. – 2-е изд., стер. / А.Б. Косолапов. – М.: КНОРУС, 2006. – 400 с

3.5. Пардаев А, Норчаев А. Халқаро туризм. Дарслик. - Т.: ТДИУ, 2010, - 320 б.

3.6. География туризма: учеб. / кол. Авторы; под ред. А.Ю. Александровой. 2-е изд., испр. и доп. - М.: КНОРУС, 2009. – 592 с.

3.7. Косолапов А.Б. Технология и организация туроператорской и турагенсткой деятельности: учеб. пособ. - М.: КНОРУС, 2008. – 288 с.

3.8. Леннон Дж. Д., Смит Х., Кокерелл Н., Трю Д. Управление индустрией туризма. Лучший опыт деятельности национальных организаций и агентство по туризму. – М.: «Группа ИДТ», 2008. – 272 с.

3.9. Тимохина Т.Л. Организация приема и обслуживания туристов: учебное пособие. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2008. – 352 с.

3.10. Скобкин С.С. Менеджмент в туризме: учеб. пособ. – М.: Магистр, 2007. – 447 с. 27. Каримов И., Ахмадхўжаев Р. Туризмда коммуникация. - Т.: ТДИУ, 2007, - 180 б.

3.11. Дурович А. П. Маркетинговые исследования в туризме: Учеб. пособ. — СПб.: Питер, 2008. — 384 с

3.12. Адылова З., Норчаев А., Алиева М. Туризм менежменти. Ўқув кўлланма -Т.: ТДИУ, 2009, - 180 б.

- 3.13. Кутлимуротов Ф. Туризм иқтисоди. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2009,- 220 б.
- 3.14. Александрова А.Ю. Международный туризм. - М: ГРИФ, 2004.- 470с.
- 3.15. Воскресенский В.Ю. Международный туризм. Москва: 2007. - 255 с.
- 3.16. Папирян Г.А. Международные экономические отношения. Экономика туризма. 2000. - 208 с.
- 3.17. Шумилин А. Не нефтью единой: Почему азиатский кризис не затронул Арабские Эмираты // Эксперт. – 2010. - №10, 13 марта – с. 60-61.
- 3.18. ОАЭ. Нефтяной рай: Экономика // Известия. М.: – 2009. – 12 февраля – С. 4.
- 3.19. Р.Рискулов. “Ўзбекистон ва Араб давлатлари: инвестицион ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари” ЎЗРФАИИ. Т.: 2008.
- 3.20. Жан-Франсуа Шэ. Эмираты: Современное положение // ГЕО. – 2004. - №3.
- 3.21. Зиядуллаева Л.С. Развитие промышленности и многоукладной экономики в экономической политике развивающихся стран (Ближний Восток). – Т.: Изд-во ”Маяк Востока” (ТашГИВ), 2002. – 228 с.
- 3.22. Устинов И.Н. Мировая торговля: Статистическо-аналитический справочник. – М.: Экономика, 2000.
- 3.23. Шлихтер С.Б. География мировой транспортной системы. Взаимодействие транспорта и территориальных систем хозяйства. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 1995.
- 3.24. Александров И.А. Монархии Персидского залива: этап модернизации. - М.: Издательство “Дело и Сервис”, 2000. - 544 с.
- 3.25. Тўхлиев Н.Т., Ҳақбердиев Қ.Қ., Эрмамамов Ш.Ж., Холматов Н.Б. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 280 б.

3.26. Зиядуллаева Л.С., Абидов Н.А., Рискулов Р.Б., Араб мамлакатлари иқтисодиёти. Дарслик. Т.: 2009

3.27. Вейн Пэнси, Жданов Сергей «Арабские страны в мировой экономике» Издательство: АНКИЛ, Панорама Издательский дом, 2006 г.

3.28. Основные показатели развития туризма в 2009 г. ЮНВТО. – Мадрид, 2010, -30с.

3.29. Tourism: 2020 vision. -Madrid, 2010, - 21 p.

3.30. “Ўзбектуризм” МК йиллик ҳисоботлари

4. Хориж адабиётлари

4.1. United Arab Emirates, Travel & Tourism Economic impact 2012.

4.2. “2012 International tourism results and prospects for 2013”, UNWTO news conference HQ, Madrid, Spain 29 January 2013

4.3. World Economic Forum, “The Travel & Tourism Competitiveness Report”, 2011

4.4. The challenges of economic diversification through tourism: the case of Abu Dhabi. International Journal of Tourism Research, Sharpley R. 2012.

4.5. The Observer. 2010. Ski in the desert? It could only happen in Dubai. The Observer 20 November.

4.6. UAE. 2011. United Arab Emirates Yearbook. Planet:London,2011

4.7. World Economic Forum, “The Travel & Tourism Competitiveness Report”, 2013

4.8. VISA Tourism Outlook: UAE, June 2012

4.9. Ugo Fasano, Zubair Iqbal. GCC Countries: From Oil Dependence to Diversification. IMF, 2009.

4.10. Department of Tourism and Commerce Marketing, UAE 2011

4.11. МСНПЙ ЗБЗКНЗП “ЮШЗЪ ЗБЦНЗЭЙ Эн ЗБЕГЗСЗК дгж” 2012 йил 8 октябрь

4.12. Benchmarking UAE Tourism, Market Monitor Series, Data Management & Business Research 2012

4.13. МСНПЙ ЗБЗКНЗП“ГЪПБЗК ЗБЕФЫЗБ ЗБЭДПЮНЙ КХБ ЕБМ
%75” 2013 йил март

5. Интернет манбалари

- 5.1. <http://www.uzbektourism.uz>
- 5.2. <http://www.tourism.uz>
- 5.3. <http://www.tour.uz>
- 5.4. <http://www.advantour.com>
- 5.6. <http://www.unwto.org>
- 5.7. www.world-tourism.org
- 5.8. www.alittihad.ae
- 5.9. www.trans-port.com.ua
- 5.10. www.tourinfo.ru
- 5.11. www.polpred.com
- 5.12. www.worldbank.org
- 5.13. www.indexmundi.com
- 5.14. <http://www.factfish.com/countrycategory/united%20arab%20emirates/economy>
- 5.15. <http://arabiangazette.com/uae-tourist-arrivals-forecast-hit-9-million-2012/>
- 5.16. www.travel-library.com http://tourlib.net/statti_otdyh/dubaj.htm